ЎзССР Давлат китоб палатасининг
Ахборот-кутубхоналар палата ЎзССР
170195

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

11 январь, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 8 (1010)

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Янги йилнинг дастлабки кунларида, сизларни сиҳат-саломат, бардам кўриб турганимдан мамнунман.

Сизларни ва сизлар орқали пойтахт вилоятимизнинг барчаҳолисини Янги — 1995 йил [illegible]н муборакбод этиб, ҳаммангизга бахт-саодат, хонадонингизга фаиз-барака ва омадлар тилайман.

Шу билан бирга мана шу залда ўтирган депутатларни халқимиз билдирган юксак ишончни оқлаш йўлидаги фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсизлар.

Ҳаммангизга аёнки, бугунги кунда — юртимиз, жамиятимиз машаққатли синовлардан ўтаётган бир пайтда халқимизнинг ишончига мушарраф бўлиш ҳар қайси инсон, учун катта обрў, катта ишонч шунингдек, жуда катта масъулиятдир. Ишонаманки, бундай шарафли ишончга сазовор бўлган депутатлар буни яхши тушунадилар, унинг қадр-қимматини қалбларидан ўтказиб баҳолайдилар.

Бундай мураккаб пайтда халқ кимнинг кимлигини айниқса яхши билиб олади. Ким элюрт манфаати учун чинакам қайғурянти-ю, ким қуруқ, ҳавойи ваъдалар билан ўз мақсадини кўзлаяпти — одамлар сезиб-билиб турадилар.

Шу маънода Ўзбекистон ҳаётида, жамиятимиз тарихида илк бор эркин, кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказилиши улкан тарихий воқеа десак, асло муболаға бўлмайди.

Чунки биринчи марта ҳам Ўзбекистон парламентига — Олий Мажлисга, ҳам маҳаллий туман, шаҳар, вилоят кенгашларига номзодлар кўрсатишда, улар орасидан ҳақиқатда энг муносиб шахсни сайлаб, танлаб, ажратиб олишга имконият туғдирилди.

Биринчи бор сайловчи инсон учун Конституция берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзининг хоҳиш-иродасини тўла намоён қилишига замин яратилди.

Бугун биз ўз юртимизда эркин ва озод жамият — адолатли ҳаёт пойдеворини, демократик давлатимизнинг асослари ва қадриятларини қураётган ва тиклаётган бир даврда ўтган сайловлар ва уларнинг натижаларидан Ўзбекистоннинг халқаро обрўйига обрў қўшилаётганини жамоатчилигимиз сезиб турганига аминман.

Шу билан бирга ўтган сайловлар фуқароларимиз сиёсий савиясининг ўсишида, одамларимиз онгида адолатга ишонч пайдо бўлишида ғоят ижобий таъсир қилаётганини ҳам кўриш мумкин.

Тарихимиздан маълумки, қадим замонлардан буён инсонларнинг энг катта ва эзгу орзуниятлари, мақсадлари ҳаётда адолат ўрнатиш, адолат ҳукмронлигини жамият ва ўз ҳаётида кўриш, ҳақиқат тантанаси учун курашдан иборат бўлган. Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганман: халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса чидолмайди. Адолат устун бўлган жойда иш юришади,юртда файзу барака,одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади. Адолат бўлмаган жойда адоват пайдо бўлади,кишилар орасида низо-нифоқлар кучаяди. Буни тарихимиздан ва сўнгги йилларда ўлкамизда юз берган воқеалар мисолидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, инқилоб даврида ҳам, «босмачи» деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, десантчилар келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам, Фарғона фожеаси туфайли халқимиз бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, қачонки шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳоизоҳ берсак, кўп нарсани жойжойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваламбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олиши даркор.

Ҳаётда адолат ўрнатиш, албатта, ижтимоий тараққиётнинг кўпдан-кўп омилларига боғлиқ. Аммо энг муҳим, ҳал қилувчи омиллардан бири — бу эркин, одил сайлов тизимидир. Яъни ҳар қайси поғонада — жамоами, маҳаллами, корхонами, туманми, шаҳарми, вилоятми, давлатми, унинг ривожи ва тақдири кўп жиҳатдан муносиб ёки номуносиб шахсларни, вакилларга эга бўлган раҳбарларни, шу жумладан, ҳаётимиз — келажагимизни ишонib топширган ноиб-депутатларни сайлаб олишимизга боғлиқдир.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким инкор қилмаса керак, деб ўйлайман. Чунки, одамларнинг бошини қовуштириб, тинчликтотувлигини сақлаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлига бошлайдиган, ҳамдард ва раҳнамо бўлиб ўзидан ном қолдирадиган ҳам раҳбар. Ёки аксинча,мансаб курсисига ўтириб, ваъдаларига вафо қилмасдан, ўз манфаатини кўзлаб, ҳаром-ҳаришга қўл урадиган, ишнинг кўзини билмасдан, қўлидан иш келмасдан жамоа ҳаётини вайрон қилиб ўзидан доғ қолдирадиган ҳам раҳбар. Бу фикрларнинг асосий маъноси шуки — депутатлар ҳам, улар орасидан танлаб олинадиган раҳбарлар ҳам сайлов пайтида сайланади,қандай инсон эканлиги намоён бўлади.

Сайловлар маълум бир қолип ва тартибда, яъни эски замондан қолган усулда — хоҳлайсизми-йўқми, ёқадими-ёқмайдими, маъқулми-номаъқулми, ишонасизми-ишонмайсизми ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи «улуғ партиямиз» — КПСС белгилаб берган танҳо номзодга овоз беришга мажбур бўлган замонимизда қандай эркинлик бўлиши мумкин эди?

Демократик давлат қураётган ҳозирги бир шароитда кўппартиявийлик, муқобиллик йўли билан ўтказган дастлабки сайловларимиз ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кириши табиий. Шу сайловни ўтказиш жараёнининг ўзидаёқ одамларнинг онги ўзгарди, ҳаётга янги кўз билан қарайдиган бўлди.

Илгариги сайловларни эсга оладиган бўлсак, ҳар беш йилда бир хил одамларни депутатликка сайлар эдик. Сайлов арафасида улар катта ваъдалар беради-ю, ваколати тугаётганида эса ҳеч ким улардан ҳисобот талаб қилмасди. Муқобиллик, кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказар эканмиз, буларнинг ҳаммасига ҳаётнинг ўзи чек қўйди.

Шунинг учун ҳам ўтган сайловларда сайловчиларга берилган ҳуқуқ — ўз овозини, ўз хоҳиш-иродасини билдирib, икки-уч номзоддан битта номзодни танлаб олиш ҳуқуқи ҳаётимизнинг янги босқичига қадам қўйиш билан баробар.

Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин,уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, одамларни ҳар хил бақириқ-чақириқлар билан майдону кўчаларга чорламасдан, уларнинг тинчлиги, тотувлиги, ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, ўзига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика кенгашларида ўзлари берган ваъдаларни, дастурларини амалга оширишга куч-ғайратини бағишлаш, сайловчилар олдида олган ваколатларини ўз муддатида масъулият билан адо этиш- бу партиялар фаолиятининг бош йўналиши бўлиши лозим.

Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

Аммо, жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли беқарорликлар келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас.

Ўзбекистонда ҳали ўзини тутиб олган, мустаҳкам ғоясига эга бўлган партиялар шаклланиб улгурганича йўқ. ХДПнинг тузилганига мана уч-тўрт йил бўлди. Лекин ҳали бу партиянинг ҳам амалий ҳаракатлари, ғояси билан одамларни ўзига жалб қилиш, янги дастурлар ишлаб чиқиш борасида кўп заиф томонлари бор. Келажакда бу партия ҳам ўзини тутиб олишига ишонаман.

Мен бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман: куни кеча «Яшасин КПСС!» деб қичқириб йиғлаган баъзи кимсалар бугун ҳам ягона бир сиёсий куч, ягона бир партиянинг яккаҳокимлигини орзу қилиб юришибди. Яккапартиявийлик тузумида яшаган кунларимизнинг қандай хунук оқибатларга олиб келганини назарда тутиб, биз бунга асло йўл қўёлмаймиз. Бу ҳаммага аён бўлиши керак.

Умуман, чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, нима учун ёлғиз қандайдир сиёсий гуруҳ ўз манфаатини кўзлаб, ҳаётдан узоқ, сохта, баландпарвоз гаплар ва чақириқлар туфайли одамларни алдаб, ўз мансабпараст мақсадларига эришиши керак экан? Биз масаланинг бу тарзда қўйилишига бутунлай қаршимиз. Биз аввало халқимиз, жамиятимизнинг барча аъзолари фаровон ҳаёт кечириб яшасин, деган ақида тарафдоримиз. Ишончим комилки, шундагина биз фуқаролар тотувлигига, миллатлар ҳамжиҳатлигига асосланган мустаҳкам демократик жамият қуришга эришамиз.

Сўнгги сайловларда маҳаллий кенгашлар,Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияларидан кўрсатилган номзодлардан депутатлар сайланди. Энди депутатлар қайси тоифадан, партиядан, қайси гуруҳдан сайланган бўлсалар, шулар номидан ишлаши, фаолият кўрсатиши лозим.

Кечаги сайловлар натижасида маҳаллий кенгашлардан тахминан 67 фоиз, ХДПдан 28 фоиз, «Ватан тараққиёти» партиясидан эса 5 фоиз депутат сайланди.

Кейинги сайловлар пайтида яна бир бор сайловчилар билан юзма-юз бўлганда ишга ноқобил, қуруқ ваъдалар билан сайловдан ўтган номзодларга халқ ўзи ҳакам бўлади. Агар одамлар дастлаб адашган бўлишса, навбатдаги учрашувларда анча пишиқ бўлиб қолишлари муқаррар.

Ишонаманки, халқаро тажрибада ўзини оқлаган мана шундай тизим-тартибга биз ҳам босқичма-босқич етиб борамиз, албатта.

Бугун Тошкент вилояти Кенгашига сайланган депутатлар ишга киришар экан, мана шу фикрларнинг мағзига етиб, ўз масъулиятларини чуқур англаб олиб, фаолиятларини бошлашлари керак.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга танқидий кўз ташлаб, авваламбор, йўл қўйилган камчиликлар, хатоларни баҳолаб, ундан кейин янги йил режаларини кўриш лозим.

Тошкент вилояти — катта салоҳиятга эга бўлган, меҳнаткаш, билимдон, ишнинг кўзини биладиган, омилкор аҳолисининг маҳорати билан донг қозонган, доимо бошқаларга намуна бўлиб келган вилоятдир.

Буни ҳеч ким ҳеч қачон инкор қилолмайди. Саноат, қурилиш, деҳқончилик, хизмат тармоқлари — қандай соҳани олсангиз ҳам, буларнинг барчасида республиканинг, узоқ-яқин жойларида маълум ва машҳур бўлган Тошкент вилоятининг меҳнат жамоаларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиздаги энг улкан, катта имкониятларга эга бўлган корхоналар ҳам Тошкент вилоятида. Кадрлар қақида гапирадиган бўлсак, зиёлилар ҳақида гапирадиган бўлсак — ҳар доим Тошкент вилоятини фахр билан тилга оламиз.

Республика миқёсида ҳавас қиладиган одамлар, Ўзбекистоннинг шуҳратини оламга таратаётган инсонлар ҳам шу вилоятдан чиққан. Буларнинг ҳаммасини инобатга олсак, Тошкент вилоятидан кўп нарсаларни кутиш лозим бўлади. Аввалambор, бугун юртимизда бўлаётган янгиланиш, ислоҳотларда бу вилоятнинг пешқадамлар сафида бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: Тошкент вилоятини республика илғорлари қаторида кўриш ҳаммамиз учун табиий ҳолдир.

Лекин, минг афсуски, вилоятда олиб борилаётган ишлар билан танишганда, ҳавас қилгулик жиҳатлар йўқлигини кўриб ҳам ачинасиз, ҳам таажжубга тушасиз. Нима бўлди-ю, кейинги йилларда вилоятда иш юришмай қолди. Халқ хўжалик соҳаларидаги кўрсаткичлар йилдан- йилга пасайиб бормоқда. Бундай ҳолни тушуниш жуда қийин. Чунки, бундан бир йил аввал — 1993 йил декабрь ойида Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувда айни шу мазмундаги гаплар айтилган, бугун шу йиғинда ўтирган кўпгина туман, вилоят раҳбарлари иштирокида аҳвол батафсил таҳлил қилиниб, очиқ-ойдин баҳо берилган эди.

Бугунги мажлисда ўтган давр мобайнида вилоятда қилган ишларимизга якун ясасак, мақтаниш уёқда турсин, кўп соҳалардаги вазиятни тушуниш қийин. Хўш, 1994 йилда 1993 йилга нисбатан қандай ўзгаришлар юз берди?

Саноат соҳасини қараб чиқайлик.

Вилоятдаги қайси йирик корхонани олсангиз ҳам ахвол ғоят ташвишланарли эканини кўрасиз. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Электрохимпром», Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида (бу рўйхатни давом эттириш мумкин), аҳвол ниҳоятда ачинарлидир.

Вилоятда тахминан 2500 та кичик ва хусусий корхона тузилганига қарамасдан, улардан бironтаси ҳам рақобатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эмас.

Ташкил қилинган 66 қўшма корхоналардан 50 фоизи фаолият кўрсатмоқда, холос. Кўпчилик раҳбарлар бугунги вазиятни собиқ Иттифоқ пароканда бўлгандан кейин алоқалар узилишига боғлаб тўғирибдилар, шу сабабларни рўкач қилмоқдалар.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз, бунинг таъсири катта. Лекин ундан буён орадан уч йил ўтиб кетди. Хўш, токайгача яна эски замонни қўмсаб ўтирамиз? Ишлашни истаган, изланувчан раҳбар ва жамоалар ўз ишини бошқатдан ташкил қилиб, ўзини анча тутиб олди.

Иккинчидан, агар Россия билан алоқалар узилгани сабаб бўлса, у ҳолда нима учун Россиянинг ўзидаги корхоналар тўхтаб қолган? Бунга сабаб нима? Уларга ким халақит беряпти? Уларнинг ўзаро алоқаларини ким бузяпти? Асосий масала-алоқалар узилишида эмас, балки ишни янгича ташкил қилолмасликдадир, бозор иқтисоди қонунларининг бугунги кайфиятларга тўғри келмаслигидадир.

Асосий сабаб шундаки, баъзи катта корхоналарнинг раҳбарлари, шояд бирон-бир шаклда, айтайлик, Евроосиё ниқобида яна СССР қайта тикланармикан, деган умидда хомхаёл бўлиб юришибди. Бундай кайфиятлар ҳам борлигини очиқ айтишимиз керак.

Ҳаммамиз яхши англаб олишимиз керакки, гап СССРнинг емирилганида эмас, балки илгари бошқача иқтисодий тизим шароитида ишлаган ва яшаган бўлсак, эндиликда бутунлай янги иқтисодий тизимга ўтаётганлигимиздадир.

Муайян кучлар Ўзбекистон халқ хўжалигининг стратегик тармоқлари — олтин, металлургия, рангли металл ишлаб чиқариш соҳаларини барбод қилишга интилмоқдалар. Ва шу тариқа бизнинг бўйнимизга яна бўйинтуруқ илиб марказга тобе қилишга уринмоқдалар. Биз буларнинг барчасига ҳушёр кўз билан баҳо бермогимиз даркор.

Биз дунё бозоридан хомашё билан эмас, аксинча, сифатли, рақобатга бардош бера оладиган тайёр маҳсулот билан ўз муносиб ўрнимизни эгаллашимиз лозим. Муаммоларни, олдимизда турган тўсиқларни бартараф қилишнинг асосий йўли шу.

Шундай кунлар келади, келмоқда ҳам. Ўзбекистон тобора жаҳон бозорига чиқиб бормоқда.

Аммо бу улуғ мақсадларга етиш учун, фарзандларимизга озод, эркин, фаровон ҳаёт яратиб бериш учун қийинчиликларга мардона бардош бериб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз керак.

Афсуски, шу нуқтаи назардан вилоятдаги бошқа соҳалар ишига назар ташласангиз, қурилиш, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳам кўпида деярли ўзгаришлар йўқлигини кўрасиз.. Эски ҳаммом, эски тос. Кўпгина ҳолатларни таҳлил қилганда авваламбор боқимандалик кайфияти ҳамон ҳукм сураётганини сезиш мумкин. Аввало, раҳбарлар ўзини мустақил ва мустаҳкам сезмасдан, нималардир пойлаб ўтирганини кўриш мумкин.

Яна бир бор аниқ ва қатъий айтмоқчиман: эски замон энди ҳеч қачон қайтмайди! Бекорга пойлаб-кўмсаб ўтирибсизлар. Вақти-соати келди энди жавоб беришга. Ёки бугунги замон талаби билан ишлайсизлар ёки овора бўлмасдан, бизларни ҳам овора қилмасдан, йўлни тўсмасдан, жойингизни бўшатиб берасизлар!

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги аҳвол саноатдагидан ҳам ночор. Айтинглар, бу ҳолга ким жавобгар? Ким четдан туриб вилоятга халақит бермоқда, ишингизга ғов бўлмоқда? Балки шу залда ўтирган туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари ўтган йил мавсуми натижаларини, якунларини изоҳлаб, тушунтириб беришар?

Шуниси ачинарлики, вилоятда пахтачилик бўйича йиллик режани уддалай олмаган туманлар ва хўжаликларнинг деҳқонлари 33 фоизлик имкониятдан, янги қўшимча катта даромадлардан маҳрум бўлдилар. Мен буларнинг ҳаммаси раҳбарлик ва бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги оқибати, деб биламан. 1994 йил мавсумида бошқа сабабларни рўкач қилишга ва ўзини оқлашга ўрин йўқ, деб ўйлайман.

Галлачиликда ҳам ўтган мавсумда ҳосилдорликнинг яна пасайиб, маҳсулот умумий ҳажмининг янада қониқарсиз даражага тушиб қолганлиги эътиборни жалб қилади.

1994 йили вилоятда дон ҳосилдорлигининг 3-4 центнерга камайиб кетганлигини ҳеч қандай сабаб билан оқлаш мумкин эмас. Бундай аҳволда Ўзбекистоннинг галла мустақиллигига эришиш масаласини ҳал этишда пойтахт деҳқонларининг ҳиссаси қандай бўлади, буни бир чуқурроқ ўйлаб кўрайлик!

Сабзавотчилик соҳасини олиб кўрадиган бўлсак, яна нохуш манзарага дуч келамиз. Тошкент вилоятининг кўп туман ва хўжаликларининг сабзавотчиликка ихтисослаштирилгани маълум. Хўш, шундай экан, ўтган даврда бу соҳада қандай ютуқларга эришдик? 1994 йили 1993 йилга нисбатан вилоятда 22,5 минг тонна сабзавот, 16 минг тонна картошка, минг тонна узум кам етиштирилди. Агар Тошкент вилоятида сабзавотчилик шу суръатлар билан ривож топадиган бўлса, Тошкент шаҳрининг 2 млн. 300 минг кишилик аҳолисини таъминоти у ёқда турсин, вилоят аҳолисини боқиш ҳам амримаҳолдир.

Энг оғир аҳвол чорвачилик тармоғида мавжуд. Биргина 1994 йилнинг ўзида хўжаликлар ҳисобида қора молларнинг сони 14 мингтага, қўй-эчкилар 52 мингтага, паррандалар сони 500 мингтага камайиб кетганини қандай изоҳлаш керак?

Бундай ачинарли, ночор аҳволнинг сабабларини кўп нарсаларда кўриш мумкин. Лекин ***бу иллатнинг асосий сабаб ва илдизларини ишни эскича ташкил қилиш, бепарволик, лоқайдлик, раҳбарлар ва мутасадди мутахассисларнинг суяги эски тизим қоидаларида қотиб қолганлигида кўриш мумкин.***

Ислоҳотларни ўтакетган расмиятчилик, хўжакўрсинлик усулида ўтказиш, ҳар қандай янгиликка қарши туриш, бугунги замон талабларини мутлақо тушунмаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш ҳам бу ҳолатнинг сабабларидир. Мулк шаклини ўзгартириш бўйича эълон қилинган фармон ва қарорларни бажариш ўрнига ҳар қадамда уларга тўсқинлик қилаётган бюрократик тартиблар ҳам бунинг яна бир сабабидир.

Заҳматкаш, оддий деҳқонни ҳурмат қилмаслик, унда мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш у ёқда турсин, янги пайдо бўлаётган фермерларга, мулк эгаларига тўсқинлик қилиш — ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасини йўққа чиқаради.

Яна бир бор айтаман: бугунги босқичда кўп нарса ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларининг савиясига, инсофига, ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ. Ҳамма белгиланган тадбирларимиз, дастурларимизнинг бажарилиши шуларга боғлиқ бўлиб турибди. Бироқ, минг афсуски, эски замон тарбияси билан суяги қотган, ўртача поғонада ўтирган кўпчилик раҳбар ва фаолларимиз аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга ғов бўлиб турибди. Чунки бундай кимсалар аввало янгиликдан қўрқади, маъсулиятни ўзига олмайди, эшигимизни қоқиб турган бугунги ҳаёт талабларини тушунишни хоҳламайди, давлат- жамоа мулкини худди ота-бобосидан қолган меросдай билади.

Бу ҳолатнинг энг ёмон, хавфли томони шундаки, буларнинг барчаси давлат номидан гапиради, одамларга ўзини давлат вакиллари деб кўрсатади, ислоҳотларнинг обрўйини тўкади. Оддий фуқаролар, деҳқонларимиз эртага ҳам шу ҳолат давом этса, ислоҳотларга ишончини йўқотиши мумкин. У ҳолда уларнинг ишдан қўли совиб, ҳафсаласи пир бўлиб қолиши табиий ҳолдир.

Демак, йўлимизда ғов бўлиб турган мана шундай ўтакетган бюрократларни, бугунги сиёсатни англамасдан, ўз шахсий манфаати билангина юрган раҳбарларни уйготмасак, онгини, тушунчаси ва дунёқарашини ўзгартирмасак, лозим бўлса, алмаштирмасак, биз ислоҳотлардан кўзланган максадларга эришолмаймиз. Бу — аниқ гап, буни ошкора айтишимиз ва бу йўлда азму шижоат билан аниқ фаолият олиб боришимиз шарт.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи халқимизнинг ижтимоий аҳволини, уларнинг ичимлик суви ва газ билан таъминотини баҳоласак, жуда ачинарли хулосаларга дуч келиш мумкин.

Бўка, Пискент, Оққўрғон туманларида газлаштириш бор йўғи 20-25 фоизни ташкил қилади. Ангрен шаҳри эса табиий газ билан яхши таъминланмаганлиги, Бўстонлиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Зангиота туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги наҳотки бу жойларда йўлбошчи бўлиб юрган раҳбарларни ташвишга солмаса?!

Билмадим, бугун шу залда ўтирган ҳокимлар қишлоқларда яшаётган одамларнинг аҳволини шу нуқтаи назардан баҳолайдими-йўқми? Вазиятнинг масъулиятини, унинг оқибатларини англайдими? Англайдиган бўлса, ўз сайловчиларининг юзига қандай қарайди? Берган ваъдаларининг устидан чиқолмайдиган депутатлар, авваламбор, ҳокимлар эртага қай аҳволда қолишларини сезадими-йўқми?

Куни кеча бўлиб ўтган сайловларда айрим туманларнинг ҳокимлари ҳатто туман кенгаши депутатлигига ҳам сайлана олмай қолганликлари барча каттаю кичик раҳбарларимизнинг кўзини очиши, уларни ҳушёрликка даъват этиши лозим. Энди ёлғон-яшиқ ваъдалар билан одамларни алдаб бўлмайди. Ким бўлишимиздан, қандай юксак лавозимни эгаллаганлигимиздан қатъий назар, эртага кўпчилик олдида, халқ олдида жавоб беришимиз, ҳисоб беришимиз муқаррар эканлигини унутишга асло ҳақкимиз йўқ.

Раҳбар шахс учун эса элюрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника аҳволини мустаҳкамлаш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлигини афсус билан қайд этиш зарур. Бир қанча хўжаликларнинг молиявий шароити оғир ҳолатда экани айниқса ачинарлидир.

Банкларнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Илгарилари савдотаъминот соҳасида ишлаётганлар орасида нопок кимсалар бор, деган фикр мавжуд бўлса, бугун ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қиладиганлар асосан банк муассасаларида жойлашган, десак, ҳато бўлмайди. Бу соҳани тез кунларда тозалаш, мустаҳкам тартиб ўрнатиш, ишни янги услубда ташкил қилишга ўтиш бизнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифамиздир.

Вилоятда вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик ва осойишталикни, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича жиддий ишлар олиб борилмаганлиги туфайли 1994 йилнинг ўн бир ойлик маълумотларига қараганда қасддан одам ўлдириш,порахўрлик ва таъмагирлик каби жиноят турлари кўпаймоқда.Аҳвол шу даражага етиб борганки,ҳатто ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари орасида жиноятга қўл урганлари ҳам йўқ эмас. Ахир қонун ҳимоячиларининг ўзлари қонунбузарлик билан шуғулланса, оддий фуқаролардан нимани талаб қилишимиз мумкин?

Ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири авваламбор кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқдир. Бугунги ўтиш даврида бу муаммо энг мураккаб, энг оғир масалага айланиб қолиши кўпчиликка маълум. Бу муаммони тўғри ечишга эриша олсак, халқ ғамини, ташвишини ўз дардидай ҳис қиладиган, ишбилармон, тадбиркор, билимдон, инсофли, диёнатли, элим деб, юртим деб ёниб турган одамларни жой-жойига қўйиш масаласини ҳал эта олсак, аминманки, ишларимиз доимо бароридан келади, зафар ва омадлар ёр бўлади.

Бугунги кунда эски тизим янги, эркин тизимга ўз жойини бўшатиб бераётган бир пайтда — бу масала энг муҳим, ҳал қилувчи вазифага,айланмоқда.

Бугун муҳокама этаётган масалаларимизнинг негизида кадрни тўғри танлаш, масъулиятли лавозимга муносиб раҳбарларни тайинлаш масаласи бор. Нега деганда ҳисобот даврида йўл қўйилган кўпгина хато ва камчиликлар замирида танланган раҳбарларнинг ҳақиқий раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаганлиги, бугунги замон талабларига жавоб беролмаганлиги ётибди. Шу маънода Тошкент вилоятининг ҳокимини тайинлаётганида хатоликка йўл қўйилгани бугун аниқ. Буни очиқ тан олишимиз лозим. Мирзамурод Икромов тайинланаётган, сайланаётган пайтда биз холис ният, катта умид билан, уни ёш мутахассис раҳбар сифатида, Ўрта Чирчиқ туманидаги меҳнат фаолиятида ҳам ўзини иши билан кўрсатганини инобатга олган эдик. Кўпгина номзодлар орасидан у кишини ажратиб олган эдик. Лекин, минг афсуски, Мирзамурод Икромов билдирилган ишончни ўз фаолияти билан оқлай олмади.

Яхши биласизлар, юртимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят дейсизми, ўзига хос бир файзи бор. Оллоҳ таолонинг шу юртга ато этган марҳаматлари, берган неъматлари ҳам мана шу файз-бараканинг ифодаси деб биламан. Ўзини етакчи деган ҳар қайси раҳбар мана шу файз-бараканинг маъносини, мазмун-моҳиятини чуқур англаши, кўз қорачиғидай асраб-авайлаши лозим. Ўзининг пок орзу-ниятлари билан, соф ва холисона ҳаракатлари билан эл-юртнинг ишончини қозониши ва мустаҳкамлаши даркор.

Афсуски, шундай вазият Мирзамурод Икромов раҳбарликка келиши билан Тошкент вилоятида мавжуд бўлмади.

Ҳар қайси раҳбар ўз фаолиятини авваламбор одамларнинг бошини қовуштириш, бирлаштиришдан, аҳиллик ва тотувликни қарор топтиришдан бошлаши керак. Атрофида ишлаётган фаолларга иши билан ибрат бўлиб, уларни изидан эргаштира олиши зарур. Икромовнинг раҳбарлик фаолияти кадрларни бошқаришдан эмас, уларга қарши курашдан бошланди. У ишни кўпчиликни ўзига қарамақарши қўйиб, муҳитни бузишдан бошлади. Албатта, ишда талабчанлик, қаттиққўллик керак. Қаттиққўлликни ҳам одамлар тўғри тушунади, агар қаттиққўллик адолатга, одамларни ҳурмат қилишга асосланган бўлса, ҳар қандай инсон ҳам буни тан олади.

Ҳар қайси раҳбар — авваламбор инсон. Инсоннинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардандир. Афсуски, Икромов бундай хусусиятлардан катта лавозим эгаси бўлганида ҳам қутула олмади.

Албатта, ҳеч ким осмондан тайёр раҳбар бўлиб тушмайди. Инсон фақаттина олижаноб фазилатларга эга бўлиб туғилмайди. Агарки, одамзод ўрганмоқчи бўлса, кундалик ҳаёт ўзининг сабоқлари, аччиқ тажрибалари билан уни кўп нарсага ўргатиши мумкин. Йил давомида Икромов кўп марта огоҳлантирилди, лекин бундан хулоса чиқармади.

Ориятли, мард одам бундай пайтда албатта тегишли хулоса, сабоқ чиқаради, ишини, фаолиятини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Мана шундай аччиқ ҳақиқатни инобатга олган ҳолда, Икромовнинг ўзи вазиятни англаб, вилоят ҳокимлиги лавозимидан озод қилишни сўраб ариза берди. Ўйлайманки, Икромовнинг аризасини қондириш керак.

Ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши «салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим» деб айтган эканлар:

— ***кенгаш***
— ***маслаҳату машварат***
— ***қатъий қарор***
— ***тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.***

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб ўқидираги соҳибқирон бобомиз.

Истар эдикки, Тошкент вилоятининг бугунги сайланадиган янги ҳокими, шу залда ўтирган барча катта-кичик раҳбарлар шу доно ўгитларга оғишмай амал қилсак, уларни ўз фаолиятимизнинг асосий дастуруламали деб билсак, фарзандларимиз камолини ўйлаб, уларга улуғ ва озод Ватанни мерос қилиб қолдириш орзуси билан яшаб-меҳнат қилсак, иншоолloҳ, Тангри ҳам, буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳам бизни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, эзгу мақсадларимизга етказади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

238-УНИВЕРСИТЕТ САЙЛОВ ОКРУГИДА ТАКРОРИЙ САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги республика Қонунининг 44-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1995 йил 8 январь куни ўтказилган овоз бериш натижаларига кўра икки номзоддан ҳеч бири депутатликка сайланмагани сабабли 238-Университет сайлов округида 22 январь куни такрорий сайлов ўтказилсин.

2. Такрорий сайловни асосий сайлов ўтказиш учун тузилган округ сайлов комиссияси ўтказиши белгилаб қўйилсин.

Марказий Сайлов комиссиясининг раиси Қ. АҲМЕДОВ.
Марказий Сайлов комиссиясининг котиби А. АНОРҚУЛОВ.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда вилоятни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг 1994 йилги якунлари ва 1995 йилда ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари му

• *Деҳқончилик-саноат мажмуи: муаммо ва ечим*

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР

Ҳозирги замон аграр сиёсати юқори даражада ривожланган демократик жамиятни шакллантириш сари йўл тутган мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуришда ўзбек қишлоғининг бутун тарихий тажрибасини холисона ўрганиш ва унинг тараққиётидаги барча хилма-хилликлар ва қарама-қаршиликларни назарда тутган ҳолда фикр юритишга тўғри келади.

Ўтган йиллар мобайнида аграр сиёсат жуда кўп марта танқидга учради. Унга ўзгартиришлар киритишга уринилди. Бироқ вақт барча умидларни пучга чиқарди: бу соҳада кескин ўзгариш кузатилмади. Ҳар гал олдинга қадам босиларди-ю, шу заҳоти ортга чекинишлар ҳам юз берарди. Бундай аҳволнинг асосий сабаби эса амалдаги жараёнларнинг ижтимоий ташхиси нотўғри қўйилаётгани, яъни ижтимоий омиллар етарлича баҳоланмаётганида эди. Бошқача айтганда, собиқ Иттифоқ даврида амалга оширилаётган ўзгартиришлар силсиласида юзага келган шарт-шароитга чуқур баҳо берилмади, аграр сиёсатнинг ўз илдизи, ўз негизи қайта кўриб чиқилмади. Олиб борилган ислоҳотлар бирёқлама, баъзан эса қуруқ сафсата, буйруқбозлик хусусиятига эга эди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг асосан пахта экилишига асосланганлиги, оқибатда пахта яккаҳокимлигининг қарор топиши, аграр саноатни кимёлаштириш ва мелиорация соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, аграр сиёсатнинг ижтимоий жиҳатлари ўта бўш ишлаб чиқилиши, ўлка иқтисодиётида хомашё йўналишининг сақлаб қолиниши, марказнинг республика манфаатлари ва эҳтиёжларига нисбатан беписанд муносабатда бўлиши ҳам тармоқдаги аҳволнинг ёмонлашувига олиб келди.

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши қишлоқ хўжалиги тараққиётида янги имкониятлар ва истиқболли йўналишлар очди. Бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат раҳбарияти аграр сиёсатни тубдан ўзгартириши, бу соҳани жадал ривожлантириш учун зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Муҳими — Ўзбекистоннинг ўз миллий аграр сиёсати қарор топди. Пахта яккаҳокимлигига зудлик билан кескин ва қатъий барҳам бериш бу сиёсатнинг таркибий қисмидир. Бундай чора қишлоқ хўжалигини кўтаришдаги самарали восита бўлибгина қолмай, балки миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг таъсирчан қуроли ҳам ҳисобланади.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг негизини, шунингдек, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қишлоқда бозор муносабатларининг шаклланишини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳолиси хусусий томорқа майдонларини кенгайтириш, фермерлик ҳаракатини рағбатлантириш, колхоз ва совхозларнинг таркибини қайта кўриб чиқиш, кооперациянинг замонавий шаклларини жорий этиш, деҳқонларнинг ер ҳамда ишлаб чиқариш воситаларига эгалиги мақомини тиклаш, ўзбек қишлоғини ижтимоий жиҳатдан юксалтириш каби муҳим масалалар ташкил этади.

Бу муҳим ҳаётий ўзгаришларни рўёбга чиқариш, ниҳоятда мураккаб шароитда кечмоқда. Бир томондан олганда, қишлоқнинг барча бой имкониятларини ишга солиш мумкин бўлган ижобий омиллар юзага чиқмоқда. Аграр хўжаликлар фаолиятидаги турли чекланишлар олиб ташланаяпти, ижара ва кооперация муносабатлари ривожлантирилмоқда, хўжаликни хусусий бошқариш ва фермерлик фаолияти қўллаб-қувватланмоқда, ниҳоятда хилма-хил мулк шакллари вужудга келиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Иккинчи жиҳатдан эса, қишлоқ хўжалигида ижодкорлик ҳаракатларини вужудга келтириш ҳамда қишлоқни ижтимоий жиҳатдан равнақ топтиришда қарши кучлар юзага чиқмоқда. Жумладан, яқин ўтмишда Ўзбекистоннинг собиқ ягона халқ хўжалиги мажмуасининг муайян қисми бўлгани, Марказни хилма-хил хомашё билан таъминлаб келганлиги ҳанузгача ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Яъни республикамизга олиб келинаётган техника, ўғит, ёнилғи ва бошқа моддий-техника бойликларининг нархи ошиб бораётган бир пайтда янгича муносабатлар юз бераётгани қишлоқ хўжалиги ҳаётида ўз аксини топаётир.

Бироқ ҳар қандай қийинчилик ва мушкулликларга дуч келмайлик, эски муносабатлар узилмоқда, янгилари ўрнатилмоқда. Ишлаб чиқаришда бозор иқтисодиётига хос аломатлар кўзга яққол ташланаяпти. Давлат сиёсатида деҳқонлар манфаатига алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон аграр сиёсатидаги янгича ёндашувлардан яна бири давлатнинг хўжалик фаолиятига аралашмаслигида намоён бўлмоқда. Давлат энди нарх-наво, солиқ, қарз бериб туриш каби бошқарув механизмларини ишга солмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барча турларининг харид нархлари бир неча баробар оширилди.

Хўжаликни бошқаришнинг турли-туман шаклари ишга солинмоқда. Жамоа ва давлат жамоаларида таркибий ўзгаришлар қилинаяпти. Мулк давлат тасарруфидан чиқарилмоқда. Энг аввало, паст даромадли ва зарар келтириб ишлаётган давлат хўжаликлари янги типдаги жамоа хўжаликлари: кооперативлар, уюшмалар, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилаётир. Мазкур ишларни амалга оширишда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги қарори катта туртки бўлди.

Айни вақтда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўзгаришлар суст ривожланаётгани, у хўжалик ҳаётининг чуқур жараёнларига муайян таъсир ўтказа олмаётганини таъкидлаш жоиз. Бу иш кўп ҳолларда жуда секинлик билан ташкил этилмоқда ва унга малакасизларча ёндашилмоқда. Бунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича ҳисобга олинмаяпти. Эскича фикрлаш, маъмурий-буйруқбозлик аломатлари ҳануз сақланиб қолмоқда.

Фермер ва оила хўжаликларини техникавий таъминлаш жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Уларнинг моддий таъминоти ҳавас қиладиган даражада эмас. Бу ерда гап қишлоқ хўжалик техникаси нарх-навосининг юқорилигида эмас, балки машина-механизмларнинг кичик хўжаликлар шароитига мослашмаганлигидадир.

Қишлоқ аҳолисига ижтимоий, маданий-маиший хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш масаласи ҳам жуда катта капитал маблағ сарфлашни, бу тадбирларга мутлақо янгича муносабатда бўлишни талаб этади. Ваҳоланки, шу пайтгача барча ижтимоий муаммоларни ечишни ўз зиммасига олиб келган йирик хўжаликларнинг парчаланиб кетиши, уларнинг бозор иқтисодиётининг «Ҳар ким ўзи учун курашади» деган қоидаси асосида иш тутиши, жамоа манфаатларининг хусусий манфаатлар билан алмашиниши натижасида илгари эришилган вазиятнинг ҳам бой берилиши хавфи туғилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақил Ўзбекистоннинг аграр сиёсати янада пишиқ-пухта ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилиши лозим. Шу боис юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этишда, фикримизча, қуйидаги тавсиялар ҳам инобатга олиниши керак.

БИРИНЧИ. Сифат жиҳатидан янги вазиятни ва тарихий воқеаликни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида чуқур иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг яхлит дастурини ишлаб чиқиш, бунда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш.

ИККИНЧИ. Чет эл мутахассислари, қишлоқ хўжалик ходимлари ва илмий зиёлиларнинг вакиллари иштирокида қатор илмий-амалий анжуманлар, мажлислар, «Даврa суҳбатлари» ўтказиш, уларнинг асосий мавзуларини ўзбек қишлоғида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янгича таркиби вужудга келиши каби долзарб масалаларга бағишлаш.

УЧИНЧИ. Фермерлик ҳаракатининг мақсадга мувофиқ тарзда ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш, жумладан, фермер хўжаликларига зарурий мустақиллик бериш, уларни кичик техника воситалари билан таъминлаш. Бунинг учун қишлоқ хўжалик машина-механизмларининг ниҳоятда қиммат эканлигини ҳисобга олган ҳолда турли жойларда ижара муассасаларини, эҳтиёт қисмлар ва бошқа керакли ашёлар билан таъминланган ва кенг таъмирлаш имкониятларига эга бўлган машина-трактор саройларини ташкил этиш.

ТЎРТИНЧИ. Йирик давлат ва жамоа хўжаликларининг қайта ташкил этилиши натижасида бўш қолган меҳнаткашларни иш билан таъминлаш мақсадида шу ерда етиштирилган маҳсулотлар асосида ишлайдиган кичик корхоналар ва цехлар ташкил этишнинг дастурини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, тайёр неъматларни сотадиган фирма дўконларини очиш.

БЕШИНЧИ. Қишлоқда замонавий бозор инфраструктураси — ихтисослаштирилган тижорат банклари, аудиторлик ва суғурта идоралари, қишлоқ хўжалик биржалари ва ҳоказо тармоқларни ташкил этиш.

ОЛТИНЧИ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий технологиялар билан жиҳозланиши механизмини ишлаб чиқиш, унинг фан ва техника тараққиёти билан мустаҳкам алоқада бўлишини таъминлаш.

ЕТТИНЧИ. Ҳозирги кунда вужудга келган экологик шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда ерларни суғориш, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг янги усулларию воситаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, бу соҳада кимёвий воситаларни қўллашнинг эҳтиёт чораларини кўриш. Деҳқонларимизнинг экологик жиҳатдан соф маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бўлган манфаатдорлигини ошириб бориш.

САККИЗИНЧИ. Қишлоқ ҳаётининг ижтимоий ривожланишидаги энг зарурий ва кечиктириб бўлмайдиган масалалар: аҳолига турар жой қурилиши, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш даражасини оширишда фаол ёрдам бериш. Бунда қўшма корхоналар, хусусий муассасалар имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таъминоти бўйича қарор топган давлат тизими имкониятларидан ҳам воз кечмаслигимиз лозим.

Н. ОБЛОМУРОДОВ,
тарих фанлари доктори.

Тошлоқ тумани аҳолиси макарон ва нон маҳсулотларини четдан харид қилмайдиган бўлди. Туман ҳиссадорлик матлубот жамияти уюшмаси Заркент қишлоғида макарон ишлаб чиқарувчи цехни барпо этиши билан бу муаммо ҳал бўлди. Цехга «Мини-30» маркали макарон ишлаб чиқариш дастгоҳи ва қуритиш камераси ўрнатилди. У йил давомида тўрт турдаги 1200 тонна макарон тайёрлаш имконини бермоқда. Айни пайтда тайёр маҳсулотлар туман савдо дўконларида сотилмоқда.

СУРАТДА: цех ишчиси Анорхон Хўжамбердиева.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

АВИАБИЛЕТЛАР СЎМЛАРГА СОТИЛАДИ

Таҳририятимизга республикамиз фуқароларидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг айрим кассаларида чипталар миллий валютага сотилмаётгани хусусида шикоятлар келиб тушмоқда. Ушбу долзарб масалани Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг муовини Маҳмуджон АСҚАРОВ қуйидагича шарҳлайди:

— 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб миллий валюта муомалага киритилганидан сўнг ҳукумат пул бирлигини барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди. Сўмнинг ички эркин айирбошланиши (конвертирланиши) учун ресурсларни кўпайтириш, Ўзбекистон Республикасининг банклараро валюта биржасида операцияларни кенгайтириш ҳақида ҳам чора-тадбирлар кўрилаётир. Булар қисқа вақт ичида сўмнинг қисман ички эркин айирбошланишига эришиш имконини беради. Ўзбекистон истеъмол бозорига товарлар олиб келаётган 60 дан зиёд компаниялар, хорижий фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар миллий валютадаги тушумнинг АҚШ долларига эркин айирбошланишини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Марказий банкнинг патентини олдилар. 15 октябрдан бошлаб республикамизда аҳолига товарларни кенг миқёсда миллий валютамизга сотиш амалга оширилмоқда. Бу эса сўмнинг харид қуввати мустаҳкамланишига олиб келди, шунингдек, ўзбекистонликлар чет элда ишлаб чиқарилган юқори сифатли товарларни ҳам сўмга сотиб олиш имкониятига эга бўлишди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам Марказий банкнинг патентини биринчилар қаторида олганди. Афсуски, компания раҳбарияти ҳукуматимизнинг қарорига ўзбилармонларча ёндашиб, авиабилетларни банд қилиш ва сотиш бўйича мажмуа ходимлари зиммасига республиканинг барча фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет эл валютасини топширганлик ҳақидаги маълумотномалари (сертификати)ни кассага олиб келиб топширганларидан сўнггина сотиш мажбуриятини юкловчи идоравий буйруқ чиқарди.

Марказий банк ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбариятининг, шунингдек, авиабилетларни банд қилиш ва сотиш бўйича мажмуа масъул ходимларнинг яқинда бўлиб ўтган учрашувларида валюта операцияларини амалга ошириш юзасидан меъёрий ҳужжатларга оид бўлган идоравий буйруқ бекор қилинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг валюта ҳисоб варағида хизмат кўрсатиладиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, Ўзбекистон фуқаролари (резидентлар)га ва чет эл фуқаролари (норезидентлар)га авиабилетларни миллий валютага сотишдан келадиган тушумни айирбошлаш юзасидан техник тартибни ҳамкорликда ишлаб чиқиш топширилди.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ — АСПИРАНТЛАРГА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги Фармонига асосан 1994 йилдан бошлаб аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилган. Шу фармонни бажариш ҳамда республика ёшларини фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 25 мартдаги ўзининг 157-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетига ҳар йили Ўзбекистон Республикасида таълим олаётган 3-ўқув йили аспирантларига ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ давлат стипендияларини яширин танлов асосида устивор 5 йўналишлар бўйича, ҳар бирига 1 та стипендия тайинлашни топширган.

1995 йилга Ўзбекистон Республикаси социал ва иқтисодий ривожланишининг қуйидаги устивор йўналишлари бўйича танлов ўтказилди:

1. Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш;
2. Агросаноат мажмуи;
3. Энергетика, ресурслар, саноат;
4. Соғлиқни сақлаш ва экология;
5. Ахборот технологиялари ва бошқарув.

Бу йўналишлар бўйича биринчи танлов 1993 йилнинг декабрь ойида ўтказилиб, 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиатлари аниқланган эдилар.

1995 йилги танловда иштирок этиш учун вазирлик ва идоралар тавсияномалари билан ҳаммаси бўлиб 26 та аспирантлар номзоди кўрсатилиб, уларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетига топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари тўғрисида НИЗОМ ва уларни тайинлаш тартибига асосан 26 номзоддан Низом талабига жавоб берадиган 20 та аспирантнинг илмий ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясига экспертизадан ўтказиш ҳамда улардан имтиҳонлар олиш учун топширилди. Имтиҳонлардан 19 аспирант муваффақиятли ўтиб танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

1995 йилги Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари совриндорларини яширин танлов йўли билан аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетида республикамизнинг кўзга кўринган фан арбоблари, олимлари ва юқори малакали соҳа мутахассисларидан иборат танлов комиссияси тузилди. Тадбирлар ишлаб чиқилиб, мўлжалланган ташкилий ишлар ўз вақтида тўла амалга оширилди.

Танлов комиссияси номзод аспирантларнинг илмий фаолиятларини, имтиҳонларда тўпланган балларини, диссертация ишлари бўйича эришган натижаларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, қуйидаги 5 аспирантни 5 йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йилги давлат стипендияларига тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Танлов комиссияси қарорини 1994 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети ўз қарори билан тасдиқлади.

Умид қиламизки, бу совриндор аспирантларимиз Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ёшларга билдираётган ишончини юксак даражада оқлайдилар.

М. ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети бошқарма бошлиғининг ўринбосари, профессор.

КАРЛЫБАЕВ МАКСЕТ АБДИБАЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими, Тарих, археология ва этнография институтининг 3-курс аспиранти.

1985 йили Қорақалпоғистон Республикаси Қонли кўл районидаги Нажим Давкараев номидаги ўрта мактабни битирган.

1992 йили Тошкент ДУнинг «Филолог-ўқитувчи» ихтисослигини битирган.

1992 йили Ўз ФА Қорақалпоғистон бўлими, Тарих, археология ва этнография институтига «Ватан тарихи» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Илмий раҳбари: Собир КАМОЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор, Ўз ФА академиги, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон республикаларида хизмат кўрсатган фан арбоби.

Номзодлик диссертациясининг мавзуси: «XIX-XX асрлар бошидаги Қорақалпоғистон халқ таълими тарихи».

Диссертация иши бўйича 3 та илмий ва 1 та оммабоп мақолалар чоп этилган.

ОРИПОВ ШАВКАТ ТУРҒУНОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги, Тошкент давлат аграр университетининг 3-курс аспиранти.

1987 йили Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманидаги 3-сон ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирган.

1992 йили Тошкент ДАУнинг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» ихтисослигини «имтиёзли» диплом билан битирган.

1992 йили Тошкент ДАУга «Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Илмий раҳбари: Ҳожимурод КИМСАНБОЕВ, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси.

Номзодлик диссертациясининг мавзуси: «Ўсимлик шираларининг паразитлари афидидлар (Aphidiidae) ва уларни ширалар оилалари вакилларига қарши қўллаш имкониятлари».

Диссертация мавзуси бўйича 3 та илмий мақола чоп этилган, республика миқёсидаги илмий анжуман иштирокчиси.

КАРИМБЕРДИЕВ ҲИКМАТИЛЛА ҲАМИДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат университетининг 3-курс аспиранти.

1987 йили Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги Республика физика, математика мактаб интернатини аъло баҳолар билан битирган.

1992 йили Тошкент ДУнинг «Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси» ихтисослигини «имтиёзли» диплом билан битирган.

1992 йили Тошкент ДУга «Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Илмий раҳбари: Сирожиддин ЗАЙНОБИДДИНОВ — физика-математика фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори.

Номзодлик диссертациясининг мавзуи: «Кремний монокристали таркибида киринди преципитатларининг ҳосил бўлиш механизмлари ва уларни монокристалл хусусиятларига таъсири».

Диссертация иши бўйича 12 та илмий мақола, шу жумладан 2 та илмий мақола хорижий жаридаларда чоп этилган. 3 та халқаро ва республика илмий анжуманлар иштирокчиси.

МАҲКАМОВ МОҲИР ЭРГАШЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, 1-Тошкент давлат медицина институтининг 3-курс аспиранти.

1983 йили Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 29-сон ўрта мактабни битирган.

1988 йили 1-Тошкент ДМИнинг «Стоматология» ихтисослигини битирган.

1988—1992 йилларда Тошкент шаҳар тез медицина ёрдами клиник касалхонасида шифокор бўлиб ишлаган.

1992 йили 1-Тошкент ДМИга «Жарроҳлик» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Илмий раҳбари: Маҳамаджон АЗИМОВ, медицина фанлари доктори, профессор.

Номзодлик диссертациясининг мавзуи: «Шишакристалл имплантатини қўллаб юз ва жаг атрофидаги юмшоқ тўқималарни нуқсон ва шакл ўзгаришларини тузатиш».

Диссертация иши бўйича 10 та илмий мақола чоп этилган, 4 та халқаро ҳамда республика илмий анжуманлари иштирокчиси. 1-та муаллифлик гувоҳномасига эга. Шу соҳада эришилган 1 янгилик даволашда фойдаланиш учун жорий қилинган.



ОРИПОВ КОМИЛЖОН МИРСАИДОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат университетининг 3-курс аспиранти.

1987 йили Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 243-сон ўрта мактабни «кумуш» медал билан битирган.

1992 йили Тошкент ДУнинг «Амалий математика» ихтисослигини «имтиёзли» диплом билан битирган.

1992 йили Тошкент ДУга «Математик моделлаштиришнинг назарий асослари, ҳисоблаш усуллари ва дастурлар мажмуи» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Илмий раҳбари: Иброҳим МИРЗАЕВ, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Номзодлик диссертациясининг мавзуси: «Мураккаб конструкциялардаги динамик жараёнларни рақамли моделларини қуриш».

Диссертация иши бўйича 6 та илмий мақола чоп этилган, 4 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар иштирокчиси, 2 та дастур мажмуаси ишлаб чиқаришда қўллаш учун тавсия этилган.

«Андижонпиво» ҳиссадорлик жамиятида яхна ичимликлар қуйиш цехи фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги «Агропромстрой-3» трести қурувчилари

АНДИЖОН «ПЕПСИ-КОЛА»СИ

барпо этган цехга Германия ва Болгариядан келтирилган энг замонавий жиҳоз ва ускуналар ўрнатилди.

Янги цех саккиз соатда 72 минг дона шишага ичимлик қуйиш, бир йилда эса салкам 16 миллион дона «Пепси-кола», «Фиеста» каби чанқоқбосди ичимликлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Цех бир мавсумда сарфланган харажатни тўла қоплаб фойда келтира бошлайди.

ОРА ЙЎЛДА САРСОНМИЗ

А.ҚОСИМОВ, Қ. ИКРОМОВ, И.МИРЗАЕВ, Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Соҳибкор» жамоа хўжалиги:

— Бизлар Бухоро шаҳрига туташ «Соҳибкор» жамоа хўжалигида яшаймиз. Шаҳар яқин бўлгани учун 80 фоиз аҳоли вилоят марказида ишлайди, бозор-ўчарни ҳам Бухородан қиламиз.

Аввалларн шаҳардан «Соҳибкор»га автобус қатнарди. Буни ҳам кўп кўришди. Энди Бухоро —»Соҳибкор» оралиғида сарсонмиз.

«ЛЕВИЙ» АВТОБУСЛАР

Адолат ЙЎЛДОШЕВА, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Гулистон -2» участкаси, Клара САИДУМАРОВА, «Шўро» маҳалласи:

— 157-автобус «Олой» бозори билан «Ғиштқўприк», 169-автобус «Истиқлол» шоҳбекати билан «Чернявка» оралиғида қатнайди. Кўпчилик аҳоли шаҳарда ишлайди. Эрталаб соат 6 30 да бекатга чиқамиз. Соат 9 га базўр ишга етиб келамиз. Кечқурун ишдан қайтиш... азоб. Шофёрлар бензин йўқ деб ўтираверадилар. Юрганлари ҳар бир йўловчидан оз эмас, кўп эмас, 5 сўм беришни талаб қилишади.

БИЗГА ЭЪТИБОР ЙЎҚ

Аминбой ЖУМАНИЁЗОВ, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, «Бош қора» жамоа хўжалиги:

— Президентимизнинг фармонларида фермерларга кредит берилсин, дейилган. Аммо мен 3-4 ойдан бери жойлардаги мутасаддиларнинг лоқайдлигу бепарволиги сабаб кредит ололмай сарсонман. Матбуотда ҳам бу ҳақда бир неча марта чоп этилган бўлишига қарамай, ҳамон аҳвол ўша-ўша.

«Халқ сўзи» мухбири Лобар ҚЎЧҚОРОВА ёзиб олди.

• *Фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга*

ХАЗИНАЛАР КАЛИТИ

«Истиқбол» Ўзбекистон истиқболига хизмат қилади.

Ушбу технологияни Канада, Хитой, Корея, Исроил ва бошқа мамлакатлар ҳам синаб кўриш истагида.

Суҳбатдошимиз Б.Рихсиев физика-математика фанлари доктори, 41 ёшда. Амалий математика ва унинг кимёвий, биологик, технологик жараёнлари ва қишлоқ хўжалигига тадбиқи бўйича таниқли мутахассис. Учта монография ва 120 га яқин илмий ишлар муаллифи. Ўзбекистон Фанлар Академияси Математика институти амалий математика бўлимининг мудири. Айни вақтда, хўжалик ҳисобидаги Истиқболли тадқиқотлар ва иновация институти директори.

— Бадир Бердибоевич, суҳбатимиз аввалида сиз раҳбарлик қилаётган институт фаолиятининг моҳияти билан танишсак...

— Ташкилотимизнинг фаолияти асосини илмий тадқиқотлар олиб бориш, республикамиз олимлари яратган тадқиқотларнинг энг самарали натижаларини халқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ташкил қилади. Сиртдан қараганда, мамлакатимизнинг фан хазинасида нодир кашфиётлар камдек кўринади. Лекин, айниқса, табиий фанлар соҳасида олиб борилган изланишлар жуда бе[illegible] натижаларни берганки, уларни жорий этиш учун катта маблағ зарур бўлганлиги сабабли бу ютуқлар диссертациялар саҳифалари аро архив жовонларида чанг босиб ётарди... Мустақиллик шарофати билан бошқа соҳаларда бўлгани каби илм-фан оламига ҳам янгича иқтисодий муносабатларнинг кириб келиши қоғозлар тоғи бағридаги ана шу жавоҳирларни қидириб топиш ва уни мамлакатимиз тараққиёти учун сафарбар этиш имконини берди.

Айни кунларда физика, математика, химия, биология ва қишлоқ хўжалиги бўйича етук олимларнинг катта гуруҳи илмий изланишларининг ҳосилаларини шартнома асосида бизга топширмоқда.

— «Шартнома билан» иборасини қандай тушуниш керак? Сўнгги йилларда илмгоҳларда жорий этилган «Хўжаликлар билан шартнома асосида ишлаш» гуруҳлари фаолияти билан сизларнинг ишлаш тартибларингиз орасида ўхшашлик борми?

— Йўқ. Уларда хўжаликлар ўзларининг бирор муаммосини илмий асосда ҳал этиш учун олимлар гуруҳига буюртма беришади ва бу иш маълум тартибда шартнома билан баҳоланади. Биз эса олимлар қўлга киритган илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга тадбиқ этиш технологиясини ишлаб чиқишни, уни жорий этишни, олинган фойданинг маълум қисмини яратувчи ва тадбиқ этувчига беришни олдиндан келишиб оламиз. Масалан, муаллиф олимга тадқиқотини жорий этишдан келган фойданинг 10 фоизи, уни ишлаб чиқарувчи ва халқ хўжалигига тадбиқ этувчига 30 фоизини бериш ташкилотимиз Низомида аниқ белгилаб қўйилган.

— Бир неча соҳадаги иқтидорли олимларни бирлаштирадиган, фан билан ишлаб чиқариш орасида кўприк вазифасини ўтайдиган ташкилот тузиш ғояси қачон, ким томонидан ўртага ташланган эди?

— Табиий фанлар бўйича етук олимларни бирлаштириб, техника, саноат ва қишлоқ хўжалигининг мураккаб муаммоларини ечишга йўналтириш ғоясини илк бор устозим — академик С.Сирожиддиновдан эшитганман. Бу орзуларни рўёбга чиқариш учун илк қадам 1985 йилда қўйилди, десам адашмайман. Бу пайтда Ўз ФА раҳбарияти Математика институтининг мен ишлаётган амалий математика бўлимига Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида келиб чиқаётган математик муаммоларни ечишга кўмаклашишни топширди. Академик Т. Жўраев бошчилигида у ердаги технологик жараёнларни ўргандик. Бу муаммолар жуда мураккаб бўлиб, уларни бир вақтнинг ўзида бир неча соҳа мутахассислари ҳамкорлигидагина ҳал этиш мумкин эди. Икки йиллик ўрганиш ва изланишлар ўз самарасини берди. 1988-90 йилларда Уралда академик Н. Красовский мактабида академик Ю. Осиповнинг самарали таъсирида давом эттирган илмий тадқиқотим ва ҳимоя қилган докторлик ишим ҳаёт йўлимга янада аниқлик киритди.

Т. Жўраев раҳбарлигида 2 йиллик ҳаракатларимиз натижасида 1990 йилнинг февраль ойида Математика институтида таъсис конференцияси ўтказилиб, Улуғбек жамғармаси ташкил этилди. Тез орада бу жамғарма асосида Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси тузилди.

Юқоридаги жараён турли соҳалар бўйича энг кучли олимларни бирлаштирадиган, уларнинг илмий тадқиқотларини якунлашга ва амалиётга тадбиқини тезлаштиришга кўмаклашадиган, давлатдан пул олмай ишлайдиган мустақил ташкилот тузиш зарурлигини англатди. Шу хулосага таяниб, 1991 йилнинг апрель ойида Истиқболли тадқиқотлар институти номи билан жамоатчилик ташкилоти сифатида Ўзбекистон ёш олимлари уюшмаси қошида иш бошладик. Уюшма институтимизга 30 минг сўм қарз берди. Биз қисқа муддатда 2 та янгиликни амалиётга олиб чиқиб, октябрь ойидаёқ қарзимизни тўлаб, ўз маблағимизга ҳам эга бўлдик. Ўша йилнинг ноябрь ойида хўжалик ҳисобидаги мустақил ташкилот бўлиб ажралдик. Ҳамкорликда ишлаётган олимларни аста-секин институтимиз фаолиятига жалб этдик.

— Институтни тез орада машҳур қилган «Истиқбол» технологияси ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Институтимиз олимлари билан айрим илмий-тадқиқот институтлари ва илғор хўжаликлар ўртасидаги илмий-амалий ҳамкорлик самараси ўлароқ, «Истиқбол» технологиясини уч йилда яратишга муяссар бўлдик. «Истиқбол» — «Ер малҳами», биогумус, «СОФ-1» ва «Т» моддаси ва уларнинг қишлоқ хўжалигида ишлатиш усуллари мажмуасидир.

Биз бу моддалар ва яратган технологиямизни қўллаган хўжаликларда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш муддати анча қисқарди, ҳосилдорлик ошди, экинларнинг касалликларга ва совуққа чидамлилиги кучайди, уларни етиштиришга кетадиган сарф-харажат кескин қисқарди.

Профессор Қ. Давронов яратган «Ер малҳами» азот ҳосил қилувчи микроорганизмлар бўлиб, улар ҳаводаги азотни ютиб, ўсимлик илдизига тайёр озуқа ҳолида етказиб беради. Бир гектар ерга 1 кг «Ер малҳами» уруғни ивитиш, кўчатларни экиш ёки суғориш даврида берилади. У йил давомида ўсимликка зарур азот миқдорининг 30-40 фоизини етказиб бера олади. Ҳосил етилиши 7-10 кунга тезлашади, жумладан пахта ҳосилдорлиги 5-8 ц.га ортади. «Ер малҳами»ни тайёрлаб берувчи 12 та реактор шу йилнинг февраль ойида ишга туширилди. Улар ёрдамида йилига 200 минг гектар майдонни «Ер малҳами» билан таъминлаш имконига эга бўламиз.

Биогумус атамаси муштарийларга яхши таниш. Маълумки, республикамизнинг кўплаб хўжалик раҳбарлари колифорния чувалчангининг ўсимликка озуқа тайёрлашдаги аҳамиятини ўз вақтида яхши пайқашган ва хўжаликларида бу чувалчанг ёрдамида биогумус тайёрлашган. Биз 1991 йили Андижон вилоятининг Хонобод, Тошкент вилоятининг «Восток» фирмаси ва Жиззахдаги шахсий хўжалик ишлари билан танишдик. Бу танишувда республикамизда биогумус тайёрлашнинг илмий технологияси ҳали ишлаб чиқилмаганига амин бўлдик ва уни етиштиришнинг Ўзбекистонга мос келувчи ҳамда камчиқим технологиясини яратдик. Тажриба ишларимиз учун Тангиота жамоа хўжалиги раҳбарияти яхши шароит яратиб берди. Профессор Т.Бобоев бошчилигида бир гуруҳ олимлар яратган технология бўйича, турли гўнглардан озуқа тайёрлашдан то биогумус ажратиб олишгача бўлган жараён учун тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу технология бўйича қўлланмалар тайёрладик ва институтимиз қошида икки ҳафталик курслар ташкил этдик. Бу курсларни уч йил давомида республикамизнинг 100 дан ортиқ хўжаликлари вакиллари битириб чиқиб, ўз хўжаликларида биогумус етиштирмоқдалар. Биз яратган технология бўйича 1 млн чувалчангга эга бўлган биогумус цехини 1-1,5 ойлик муддатда ихтиёрий хўжалик ёки истикичда ишга туширишмумкин. Бир тонна биогумус ишлаб чиқариш шу бугунги кунда хўжаликка 100 сўмга тушади.

Институтда ишлаб чиқилган технология асосида ерга берилган 1 кг «Ер малҳами» ва 1 т. биогумус кимёвий ўғитлар ишлатишни 40-50 фоизга камайтиради, ҳосилдорликни оширади, ҳосил етилишини 10-12 кунга тезлаштиради.

Институт бу йил баҳорда биогумус цехлари ташкил этиш бўйича яна 200 дан ортиқ хўжаликлардан буюртма олди. «Ер малҳами»ни эса биз хўжаликларга олинган қўшимча ҳосилнинг 10 фоизини бериш шарти билан қарзга беряпмиз.

Институтимизга хўжалик раҳбарлари ҳашаротларга қарши дори сўраб кўп мурожаат этадилар. Биз Ўз ФА Биология ва кимё институтлари ҳамда олий ўқув юртларининг кимё кафедраларида ҳашаротларга қарши олиб борилаётган илмий тадқиқотларни ўрганиб, Кимё институтида катта илмий ходим С. Тиллаев илмий ечимларида тўхталдик. У ишлаётган лабораторияда олинган янги моддани ишлаб чиқариш технологиясини якунлаш, унинг токсикологиясини ўрганиш ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ барча харажатлар учун маблағ ажратдик. Бундан ташқари, Кимё институтининг бу моддани тайёрлашда қўшиладиган моддани ишлаб чиқаришга кетган харажатларини ҳам тўлаб турдик. Келажакда бу модда институтга даромад келтирса, бу даромаддан Кимё институтига ҳам ўтказиб туришга келишдик... Уч йил давомида моддани синаш бўйича ўтказилган тажрибалар унинг дастлаб ўргимчак, кана, шира, кул, раха ва бошқа ҳашаротларга қарши самарали 80-85 фоиз таъсир кўрсатиб, кейин ўсимлик барги орқали шимилиб, унинг ўсишига ҳам яхши таъсир этишини тасдиқлади. Республикамизда фақат янги модда ишлатиб келинаётган майдонлар бор. Унинг давлат синовлари бу йил якунланади.

Ўз ФА биохимия институтида яратилган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини яхшилашда самара бергани аниқланган Т-моддаси ҳам эътиборимизни тортди. У қишлоқ хўжалик экинлари уруғини ивитиш даврида ишлатилади. Жумладан, пахтачиликда чигитнинг униш энергияси ортади ва ниҳоллар бир текисда чиқади, ўсимликнинг совуққа ва шўр тупроққа чидамлилик хусусияти ошади. Бир гектар ерга бир литр Т-моддаси ишлатилади. Юқорида айтилган моддалар ва уларни ишлатиш йўл-йўриқлари мажмуи республикамизнинг турли ҳудудларида самара бераётган ва сиз айтгандай ёш институтимиз шуҳратини ёяётган «Истиқбол» технологиясининг ўзгинаси бўлади.

— «Истиқбол» технологияси келтирган ютуқлар ва кўрсаткичлар билан танишсак...

— Бажону дил. Мана, қўлимдаги ҳужжатлар синовларнинг натижалари қайдномаларидан иборат. Хўжалик раҳбарларининг далолатнома-тавсифномаларидан парчалар ўқиб беришим мумкин. «Хўжалигимиз Истиқболли тадқиқотлар ва инновация институти билан 1992 йилдан бери ҳамкорлик қилади. Дастлабки икки йилда асосан «Ер малҳами» биоўғитини турли экинларда синаб кўрдик... Пахта тажриба майдонида 7-8 кун олдин очилди, ҳосилдорлик 8 ц дан ошиқ бўлди; картошка тажриба ва назорат майдонларида бир кунда ковланди, тажриба майдонидаги ҳосил 60 ц га юқори бўлди. (Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси президенти Турғунбой Мадиёров).

«Биз институт билан у ташкил этилган кундан бери ҳамкормиз. Институтнинг бир нечта лабораторияси ва цехлари бизнинг ҳудудимиздa жойлашган... Хўжалигимиз помидор, карам, картошка ва бошқа сабзавотлар бўйича давлат режаларини ошириб бажараётгани «Ер малҳами ва биогумус шарофатидан деб биламан» (Занги ота жамоа хўжалиги раиси И.Муҳиддинов).

Шунингдек, О.Ҳожиев (Тўрақўрғон тумани ҳокими муовини), У.Бекмуродов («Гулистон» жамоа хўжалиги раиси), А.Сафаров (Улуғбек» номли жамоа хўжалиги раиси) каби ўнлаб мутахассисларнинг «Истиқбол» технологияси синовлари натижалари ҳақида ёзган далолатномаларида ҳам бу янги технологиянинг афзалликлари ва юқори самарадорлиги қайд этилган.

— Бадир Бердибоевич, «Истиқбол» чет эл технологиялари билан солиштирилдими? Хорижий давлатларда унга қизиқиш борми?

— У ҳозир Ўзбекистонда синалаётган турдош чет эл технологиялари билан бемалол рақобат қила олади. Ҳорижий давлатлар синов учун, албатта, энг таъсирчан модда ва технологияларни тавсия этади. Бунда экология ҳақида ўзимиз қайғуришимиз керак бўлади. «Истиқбол» технологиясида экология муаммоси энг муҳим ўринда туради. Яна бир томони, технология бўйича ўғитлар ва ҳашаротларга қарши моддалар харажати кимёвий ўғитлар ва заҳарли моддалар харажатига нисбатан икки баробар арзондир. Энг муҳими «Истиқбол»га кирувчи биоўғитлар ва моддалар ўзимиздаги мавжуд хом ашёлардан ишлаб чиқарилади.

Канада, Хитой, Жанубий Корея, Исроил, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва ишбилармонлар «Истиқбол» технологиясини ўз ҳудудларида синаб кўриш истагини билдирмоқдалар. Пайти келиб, имкониятларимиз йўл берса, уларда ҳам тажрибаларни бошлаймиз.

Бу йил 114 жамоа хўжалиги ва 100 дан ортиқ фермер хўжаликларида мана шу технологияни қўллаймиз. Бу институтимиз имкониятининг 85 фоизини ташкил этади. Шўр тупроқли ерларда ҳам иш олиб бориш ниятимиз бор.

Қорақалпоғистон ва Хоразм далаларига чиқмоқчимиз.

— Дарвоқе, институтингизнинг жойлардаги таянчлари ҳақида икки оғиз...

— Технолигиямизни тадбиқ этиш учун одатда «юлдуз» хўжаликларни танлаймиз. Биринчи йил тажрибалар институт ҳисобидан ўтказилади. Тажрибалар муваффақияти аввало дориларни ишлатувчи деҳқонга, механизаторларга, бевосита ер билан ишловчиларга боғлиқ. Дориларимизни биринчи навбатда деҳқон тан олишига эришамиз. Лекин тажрибалар қанчалик муваффақиятли чиқмасин, кўпчилик хўжаликларда уни қўллаш учун маблағ топилмайди. Шунда биз технологияни барча дорилари билан биргаликда хўжаликларга қарзга берамиз. Бунда хўжалик олинган қўшимча маҳсулотнинг 10 фоизини институтга ўтказади.

Институтимизнинг катта ютуқларидан яна бири — жойларда ўз вилояти учун жон куйдирадиган, ёниб ишлайдиган дўстларимизнинг борлигидир.

Институтимиз ўз кучи билан ва бир неча илмий ташкилотлар ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги, саноат, тиббиёт ва лаборатория таҳлилларида ишлатиладиган 20га яқин янги моддалар яратди. Ҳануз Россия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келтириладиган 10 дан ортиқ халқ хўжалиги учун ноёб моддаларни ўз хом ашёларимиз асосида ишлаб чиқариш мумкинлигини исботлади. Ҳозир уларни ишлаб чиқариш бўйича зарур чора-тадбирларни кўраяпмиз.

— Ҳамиша янгиликка йўл очиш осон бўлмаган. Сиз етакчилик қилаётган бу ташкилот фаолиятига дахлдор соҳаларнинг раҳбарлари, мутахассислар қандай қарашмоқда? Ечилиши қийин кечаётган ташкилий муаммолар ҳусусида ҳам гаплашсак.

— Республика Фан ва техника давлат комитетининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида институтимиз фаолияти таҳлил этилди. Унда республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги академияси раҳбарияти вакиллари ва институтлари директорлари, олим ва мутахассислардан яна 10 дан ортиқ киши сўзга чиқиб, ишимизга юқори баҳо беришди. Институтимиз фаолияти бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги жуда тўғри фаолият, деб баҳоланди, Фан ва техника давлат комитети раҳбарлигида иш олиб бориш тўғрисида таклиф киритилди. Ҳайъат бу таклифни қўллаб-қувватлади ва тегишли қарор қабул қилди.

— Олим сифатида қандай режа ва мақсадларингиз бор?

— Олимлари кучли мамлакат кучли бўлади. Биз, ёш олимлар, юртбошимизнинг мамлакатимиз тараққиётида аввало ўз халқимизга, идроклли кишиларимизга, олимларимизга суянишимиз керак, деган гапларини ҳеч унутмаслигимиз керак. Ҳозир ўзбекистонимизга буюк кашфиётлар ва уларнинг тезликда халқ хўжалигига тадбиқлари зарур. Ўзбекистонимизнинг фан, техника ва халқ хўжалигини юқори даражага кўтаришга кўмаклашувчи, энг тараққий этган мамлакатларни ҳам қизиқтирадиган ўнлаб янгиликлар борки, уларни тезда рўёбга чиқариш учун куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Мақсадларим кўп. Улардан энг биринчиси — мамлакатимизда табиий фанлар бўйича иқтидорли ўқувчилар, талабалар ва олимларни бирлаштирадиган таълим ва ишлаб чиқариш комплекси яратишдир. Ҳозирги кунда бу комплекс учун зарур чора-тадбирлар белгиланиб, уларни ҳал этиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари Р. ЖУМАЕВ билан М. МУРОДОВАлар суҳбатлашдилар.

• *Қуйи бошқарув тизимларида*

СУВЮЛДУЗНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

Эркинбой ака дилкаш одам. Бир бора сўзлашган киши яна унинг суҳбатини қўмсайди. Кейинги гал йўқлаб борсам, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Атрофида дўстлари Авазбек, Латифжон, Тоҳиржон, Зафаржон... Эркинбой ака ўзи бир аҳволда-ю, секин пичирлайди:

— Патила опа тузукмилар?

Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Аслида Эркинбой ака Патила опанинг қариндоши ҳам, яқини ҳам эмас. У қишлоқ фуқаролар йиғининнинг раиси. Ҳамроҳлари билан қишлоқ хонадонларини айланиб юраркан онахоннинг ёлғизлигини кўриб, юраги эзилди. Туриш-турмуши бир аҳволда. Қишлоқда оқшом қўнганда фаолларни тўплади:

— Орзиқул,— деди Эркинбой ака.— Мурувват дилни поклайди дейдилар. Қишлоқда ёрдамга муҳтож оилаларни ҳисоблаб чиқдик. Тўғри, уларга ҳукумат кўмаклашяпти. Лекин ҳукумат ёрдам бераяптику, деб қараб турсак яхши бўлмас.

— Инсон инсон тафти билан,— унинг сўзини давом эттирди Орзиқул ака.— Керак бўлса, ночорлар шароитидан хабар олиб турайлик.

Орзиқул ака Сувюлдуз қишлоғининг кўзга кўринганларидан. Ўзининг хусусий чойхонаси бор. Наби ота Ҳасанов, Неъматжон Ёқубов каби ўнлаб кишилар шундан сўнг қишлоқдаги ёрдамга муҳтожларни оталиққа олишди. Мана ўшанга ҳам уч йилдан ошибди.

Аввал жамоа хўжалигида ишлаган, эндиликда кексалик гаштини сураётган Наби Ҳасанов бурноғи йили қишлоққа темир йўл олиб келиш ҳаракатига тушди. Кимларнидир ака, бошқа бировни ука, деди. Эркинбой ака тадбиркорга қўшилиб не остоналарга бош урмади, дейсиз. Ва ниҳоят Сувюлдузда «Наби ота» станцияси қурилиб, аҳолининг оғири енгил бўлди.

Ойтўра опа Эркинбой аканинг умр йўлдоши. Узоқ йиллар халқ хўжалиги, партия ишларида ишлаган. Ҳозирда мактаб директори. Лекин ҳамон қишлоқ аҳлининг маслаҳатгўйи. Тўғри, айримлар қишлоқчиликда фуқаролар йиғини идораси эшигига кўз тикиб ўтиришмайди, тўғри Эркинбой аканинг хонадонига кириб келаверадилар.

Раис хонага қамалиб олиб, телефон билан иш битиришга ўрганмаган. Гоҳ тадбиркорларнинг қўйнига қўл солади, гоҳ қишлоқдаги «Муаффар», «Сардор», «Қашқар» каби ўнлаб кичик корхоналарга чопади. Уларни одамлар оғирини енгил қилмоқчи юмушга чорлайди. Қишлоқ ободончилиги учун бош қўшишга ундайди.

Қишлоқда 6 та маҳалла бор. Кўмита раислари унинг ишонган тоғлари. Уларнинг саъйи-ҳаракати билан «Миробод», «Иттифоқ», «Гулбоғ» маҳаллаларидаги хонадонларнинг 60 фоизига газ қувури тортилди.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг маҳалла фаолиятига қаратаётган эътибори фуқаролар йиғини оёғидаги тушовни ечиб ташлади. Маҳаллалар жуда кўп масалаларни ўзлари мустақил ҳал қила бошлашди.

Эркинбой акани ўйлантирадиган муаммолар кўп аввало, аҳоли томорқалари хусусида кўп бош қотиради. Ҳукуматимиз уларга энг ҳосилдор ерларни ҳам бўлиб беряпти. Лекин ер эгаларининг ҳаммасиям соҳибкорлик қилишмаяпти-да. Ернинг умрини беҳуда ўтказишяпти. Баъзилар, нари борса, маккажўхори экиш билан кифояланишяпти. Ахир ўша жойлардан яхшигина даромад кўрса, оғирини енгил қилса бўлмайдими? Шунинг учун ҳам яхшигина экин майдони бўла туриб кашнич, укроп, сабзипиёз, деб бозорга чопадиган ҳамқишлоқларини кўрса фиғони фалакка чиқади...

Эркинбой ака жонфидо одам: тиним билмайди. Қишлоқ фаолларини ортидан эргаштиради. Фуқаролар йиғини обрў-эътибори тушмасин, қўли калта бўлмасин, дейди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Reebok

REEBOK фирма дўкони спорт буюмлари ишлаб чиқарадиган дунёда энг йирик компания маҳсулоти - дидингизга мос спорт кийимлари ва оёқ кийимларини таклиф этади.

Дўкон манзили: Жуковский кўчаси, 145-мактаб яқинида "Селам" дўкони.

REEBOK - доимий ёшлик, гўзаллик ва соғлиқдир.

САНЪАТ БАЙРАМИ

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрида мактаб ўқувчилари ва мактаб ёшига етмаган кичкинтойларнинг санъат байрами-кўриги бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг турли туманларидан келган 1500га яқин ўқувчи ва кичкинтой иштирок этиб, ўз маҳоратини намойиш қилди. Байрамда яккабоғлик ўқувчиёшларга тенг келадиганлар топилмади.

СУРАТДА: Касби тумани ўқувчилари.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) сурати.

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар телефон тармоғида станция ускуналари ва линия-кабель иншоотларини замонавийлаштириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Бу анчагина харажат, шу жумладан, чет эл валютаси сарфлашни талаб этади.

Шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш бирлашмаси иш маромини таъминлаш ҳамда ашё ва хизмат ҳақи тўловлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида ҳамма абонентлардан абонент тўловлари бўйича қарзларни ва шаҳарлараро ҳамда халқаро сўзлашув счётларини ўз вақтида тўлашни сўрайди.

Таърифларни эслатамиз: шахсий фойдаланишдаги асосий хонадон телефон учун — 12 сўм, қўш ва паралел телефон учун — 9,60 сўм.

Абонент тўловларини ўз вақтида тўламаганлик сабабли телефонни узиб ёки олиб қўйилмаслиги учун ўз бурчингизни вақтида адо этиб боришингизни сўраймиз.

Телефон счётларини ўз вақтида тўлаб борсангиз ўзингизга фойда!

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзингиз учун SONY дунёсини кашф этишни истайсизми?

Унда телевизорлар, видеомагнитафонлар, видеокамералар, мусиқий марказлар, магнитафонлар, аудио ва видеокассеталар сотиладиган "SONY" магазинига ТАШРИФ БУЮРИНГ



Мўлжалимиз: Тошкент ш., Фарғона йўлаги, 20
Телефонларимиз: (3712) 76-36-25, 76-77-27

• *Таниқли кишилар ҳаётидан*

«БОБОЛАРИМ ОТЛАР СУРГАН ЧЕКСИЗ ДАШТ БУ...»

10 январь ўзбек халқи тарихига Ойбек туғилган кун сифатида киради. Агар улуғ шоир, адиб ва олим Ойбек ҳаёт бўлганида, бу йил 90 ёшга тўлган бўларди.

XX аср ўзбек маданияти кўплаб улуғ сиймоларни етказиб берди. Академик-ёзувчи Ойбек булар орасида алоҳида ўринни эгаллайди. У нафақат ўлмас насрий ва шеърий асарлари, балки беҳисоб таржималари, адабий-танқидий ва илмий мақолалари билан ҳам ўзбек фани ва маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам улуғ Ойбекнинг 90 йиллиги шу йилнинг май ойида кенг нишонланади.

Одатда юбилей кунларида тантанавор воқеалар хотирага келади. Марҳум замондошларимиз ҳаётининг ёрқин саҳифаларини варақлаш ҳар жиҳатдан нашъали. Лекин жабрдийда асримизда яшаган ҳатто Ойбек сингари ажойиб кишиларнинг ҳаёт йўли ҳам мушкул кунларни четлаб ўтмаган. Улуғ кишиларнинг улуғлиги эса ана шундай кунлар гирдобидан покиза юрак ва мағрур бош билан чиқишда кўринади.

Ойбек ҳаётининг кўпгина босқичлари совет тузумининг машаққатли даврларига тўғри келган. Лекин унинг ижодида меҳнаткаш, фидойи ва жафокаш халққа руҳий мадад ва рағбат бағишловчи воқеаларгина тасвирланган.

Уруш бошланганидан кейин, бошқа қардош халқлар қатори, ўзбек халқининг ҳам бошига оғир синовлар тушди. Халқ ўз фарзандларини фронтга жўнатибгина қолмай, фронт учун, ғалаба учун ҳеч нарсани аямай, кеча-ю кундуз меҳнат қилди; фронтга мунтазам равишда озиқ-овқат, иссиқ кийим юбориб турди; танк ва самолётлар, қурол ва яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилиши учун қимматбаҳо буюмларини тўплаб, давлатга топширди. Ўзи эса рўзғор тебратиш, норасида болаларини боқишнинг эвини қидирди.

Ойбек 1943 йил мартида фронтга қилган сафаридан кейин «Қуёш қораймас» романини ёзишга киришди. Роман устида қаттиқ ишлади. Лекин у фронтдаги жанговар дўстлари олдида масъулиятли эканини теран ҳис қилган ёзувчигина эмас, балки тўрт фарзандининг отаси, кексайиб қолган ота-онасининг фарзанди ҳам эди. Унинг катта оиласи эса, бошқа кўплаб оилалар қатори, иқтисодий қийин аҳволда эди.

Адибнинг рафиқаси Зарифа Саидносирова ўша оғир йилларни эслаб, бундай ёзган:

«Ҳаёт кундан-кунга оғирлашиб борди. Нон карточка билан берила бошлади. Болалар 9, 6, 4 ва 2 яшар. Уйда уларга қараб турадиган хизматчимиз бор. Омонбек онамнинг қўлида, ундан кўнглим тўқ. Зулфия (Зарифа опанинг синглиси — Н. К.) ҳали ҳам Тоштрамда котиба бўлиб ишларди, энди у озиқ-овқат дўконига ишга ўтди. Албатта, у тортқиламайди, лекин инсоф билан, директорнинг берганини кўтариб келади. Шу сабабдан уларнинг аҳволи бизга нисбатан тузукроқ...

Бозорда бир буханка нон — 200 сўм, бир килограмм гўшт эса 150 сўмга кўтарилди. Бозордан нон олиб бўлмайди, карточка бўйича олинган нонга қаноат қилишдан ўзга илож йўқ...

Ойбек жуда тез оза бошлади. Бу унинг шу вақтда олдирган расмларидан ҳам билинади...»

Ана шундай қийинчилик кезларида Ойбек ва Зарифа опа уйларидаги арзирли мол-мулкларни сотиб, бир неча муддат қозон қайнатиб турдилар. Сўнг тайинли нарса қолмагач, навбат эски-тускиларга келди. «Ортиқча кийим-бошимиз ҳам йўқ,— деб давом этади Зарифа опа.— Бир пальто, бир костюмдан ортиғи бўлмас эди бизда. Шунинг учун ҳам бошқа арзирли нарсамиз бўлмагани учун эски-туски нималарнидир йиғиб, Ойбек билан Зулфия Қаршига, Шарифаларникига жўнашди. Беш-олти кун туриб, эски кийимларни ун-ёққа алмаштириб келишди».

Ойбек ҳаётининг бу ҳазин саҳифаси кўпчиликка маълум эмас. Эҳтимол, уни ошкор қилиш ҳам шарт эмасдир. Лекин мен шоирнинг 1943 йил сентябрида Қарши ва Бешкентда ўзи учун ёзган олти дона шеърини ўқир эканман, унинг ўша пайтдаги ҳолатини, уни қуршаган туйғулар қуюнини кўриб, улкан шоирга бўлган меҳрим янада жўшиб кетади. Ва шундай пайтларда умрининг талайгина қисми кулфат ва уқубат сўқмоқлари оша ўтган, аммо улуғ қалбини омон сақлаб қолган Ойбекни бошқалар ҳам мен каби яқиндан билишлари ва севишларини истаб қоламан.

Ойбек Қаршига, чамаси, сентябрь ойининг иккинчи ярмида борган. Унинг божаси — Шарифа опанинг турмуш ўртоғи ўша пайтда Қаршида хизмат қилар эди. Ойбек бир неча фурсат унинг хонадонида яшаб, ҳарб йилларида толиққан, ҳориган шаҳар билан танишган. «Жўлдур Қарши» унда ғоят аянчли таассурот қолдирган:

Зерикишдан зерикдим жуда,
Жўлдур Қарши — дилгирлик кони.
Зерикаман ҳатто уйқуда,
Бу ернинг бир кундузи — шоми.

1943 йилнинг 22 сентябридаги Қарши Ойбек тўртлигида шундай тасвирини топган. Тошкентдек шаҳри азимдан кичик бир масканга нажот излаб борган шоир бу ерда янада аянчли манзарани кўради. Пахса деворлардан бино бўлган уйлар унга худди чўккан туяларга ўхшаб кўринади. Чор атрофни эгаллаган бундай нохуш манзарадан унинг дилгирлиги тағин ҳам ортади:

Пахса деворларнинг харобалари
Тевалар сингари чўкибди ҳар ён.
Уйлар — парча ғиштсиз, тупроқ кўммаси,
Йўлларни ўраган бўғувчи тўзон!

Бу — ҳарбий даврдаги Қаршининг кўриниши. Тупроқ кўммасидан иборат уйлар ва, умуман, шаҳар қарийб кимсасиз: қўлига қурол ушлаши мумкин бўлган кишиларнинг бари фронтда. Ойбек уларнинг Москва бўсағаларида ҳалок бўлаётганларини куни кеча кўриб келгани учун ҳам изтиробга тушади.

Шоирнинг «Қарши туркуми»даги шеърлари орасида бир ажойиб шеърий лавҳа бор. 27 сентябрь куни қоғозга тушган бу лавҳада Ойбек Бешкентдаги бир хонадон ҳаётини мусаввир-шоир кўзи билан кўриб, бундай тасвирлаган:

Паст-баланд беўхшов хоналар қатор,
Эчки, эшак, сигир — оғилда иноқ.
Диринглар ҳовлида ўйинбоз бузоқ,
Кўркам хўроз кезар жиддий, димоғдор.

«Қақилдоқ хонимлар» жўжаларга бош,
Олтинланган гўнгда тинмайди сурон.
Омбор атрофида мушук саргардон,
Пахмоқ ит эшикда ухлайди юввош.

Мана, уй бекаси... туяди ўғир...
Танга маржон, мунчоқ, рангба-ранг безак...
Кўйлаги ямоқдан худди қуроқдак,
Меҳнатсиз кундузни кўрмас бир умр.

Ойбек аниқ ва ёрқин бўёқлар билан чизилган бу манзарада уруш йилларидаги қишлоқ ҳаётини катта бадиий куч билан акс эттирган. Бу шеърнинг яна бир муҳим фазилати шундаки, шоир унда Қашқадарё кишилари образини илк маротаба шеър тўқимасига олиб кирган ва ўғир туяётган уй бекасининг гўзал, бетакрор тимсолини яратган. Меҳнатсиз бирор кундузи ўтмаган бу аёлнинг гўзаллиги ва мағрурлигига қаранг: кўйлаги ямоқдан қуроққа айланган бўлса ҳам у бўйнидаги танга маржонлари ва рангбаранг безакларини ечмайди. Аждодлардан мерос бўлиб қолган бу безаклар унга мангу гўзаллик бағишлабгина қолмай, унинг кучига куч, ишончига ишонч ҳам қўшади. Фронт орқасида туриб, нафақат ўз рўзғорини мардона тебратган, балки ҳарбдаги ватандошларини ҳам йўқлаб турган, уларга ёрдам қўлини узатган ўзбек аёллари ана шу бека образида бадиий тажассум этилган.

Ойбек «жўлдур Қарши»да яшагани сайин машаққатли турмушнинг нурли нуқталарини кўпроқ кашф этиб борди. Чанг ва тупроқ энди унга олтин кукунлари сочилган муқаддас бир хилқат бўлиб кўринди. Мана бу қизча эса ана шу гўзал хилқатнинг гўзал бир чечаги ўлароқ гавдаланади:

Сочларининг чангига боқма,
Кўйлагининг рангига боқма.
Қизча минган яғир эшакнинг
Қулоқ йиртар «ҳанги»га боқма.
Кўзларининг соф нурига боқ,
Севгининг маст дарёсида оқ!

Нақадар гўзал шеър!

Шоир бу «чўл маликаси»ни кўриб, урушнинг Қарши ва Бешкентдаги мунгли изларини унутгандек, кўнглидаги дилгирлик булутини қувгандек бўлади. Эҳтимол бу нотаниш қиз билан учрашувдан руҳи покланиб, туйғулари эса нурланиб кетган шоир энди бепоён даштларга бошқача назар билан қарайди, унинг қалбида ғурур ва сурур замзамалари мавж уради:

Боболарим отлар сурган чексиз дашт бу,
Кўзларимга гул кўринар янтоқлари...
Маст айлади елларининг қучоқлари,
Сополлардан дарс олувчи саргузашт бу...

Ойбек хаёли ҳарбий даврдан боболар от сурган даврларга парвоз қилар экан, чўл янтоқлари унга гул бўлиб кўринади, чўл еллари эса уни сархуш қилади. Чанг ва тупроқ кўммалари оша ўз боболарини кўрган, улар отларининг довурини эшитган шоир қалбида умид ниҳоли барг ёзади. Қийинчилик, танқислик ва машаққатлар — ўткинчи, оталар юрти эса абадий ва мағрур ҳақиқат бўлиб туюлади унга.

Тарих Ойбек наздида улуғ ва муқаддас китобдир. Кишилар узоқ асрлардан бери фақат самовий жисмларга қараб эмас, балки тарих сабоқлари асосида ҳам ўз йўлларини белгилаб оладилар. Ўзбек халқи тарихининг ноёб билимдонларидан бири Ойбек айниқса Амир Темур ва темурийлар даврини пухта билган ҳамда ўз асарларида меҳр билан акс эттирган эди. У «боболар» деганида ҳам темурийлар сулоласини кўзда тутган. Улар шижоати, уларнинг бунёдкорлик руҳи замондошлари вужудида жўш уришини истаган. Ва Амир Темур асос солган давлат харобаларида янги ўзбек давлатининг қад кўтаришини пинҳона орзу қилган.

Хуллас, Ойбек ҳаётининг мушкул соатларида «темурий» илдизларидан мадад олиб яшади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

Хива туманидаги шоир Огаҳий номи билан аталмиш жамоа хўжалигида бино қилинган уй-музейидаги кўргазмалар унинг ижоди ва ҳаёт йўлидан ҳикоя қилиш билан бирга бугунги ёш авлод маънавиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: музей ходимаси Назира Отажонова (чапдан); Огаҳий номли жамоа хўжалиги раиси Отаназар Пирназаров; ўртада ва пастдаги тасвирларда эса музей ҳаёти акс этган.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

АГАР ЖУРНАЛИСТИКАГА ҚИЗИҚСАНГИЗ

«Халқ сўзи» қошида Журналистлар мактаби ташкил этилмоқда. Ушбу мактабга пойтахтимизда таҳсил олаётган, журналистлик касбига қизиқувчи студентлар, ишчи-ёшлар қабул қилинади.

Машғулотларни газетанинг ва республикамиз оммавий-ахборот воситаларининг етакчи журналистлари олиб боришади. Ҳужжатлар 1 февралга қадар таҳририятнинг «Хатлар ва оммавий ишлар бўлими»да қабул қилинади.

Машғулотлар 15 февралдан бошланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-19 уй. Телефон: 33-07-48.

ЎЗБЕК-АМЕРИКА БОЙЛЕР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ"

қўшма корхонаси буғ ва сув билан иситиш қозонлари тайёрлайди.

У соатига 0,30 Гкал. дан 2,35 Гкал гача қувватта эга.

Қозонлар автоматлашган газ горелкаси билан етқазиб берилади. Нархи МДҲ да ишлаб чиқарилаётган шундай қозонлар баҳосига нисбатан анча арзон.

Бизнинг почта манзилимиз:

700100, Тошкент ш., Абдуллаев кўчаси, 4, тел: 54-17-38.

«Ўзбекенгилсаноат» Марказий лойиҳалаш-конструкторлик ва технология бюроси ўз фаолиятини тугатди.

Шикоят ва аризалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади. Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент ш., Зарбдор кўча 24-уй.

"Дубай-бизнес-центр" МАГАЗИНИ

фирмасининг

маиший хизмат электроника ва электротехникаларини таклиф қилади

Манзилимиз:

Тошкент ш., Содиқ Азимов кўчаси, 81

Телефонларимиз:

(3712) 33-69-93, 32-09-57

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

ОЛИМПИАДА АРАФАСИДА

Бутун дунё спортчилари 1996 йил Американинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган Олимпиадага тайёргарликни бошлаб юборишди. Унда биринчи марта мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган юртимиз спортчилари ҳам қизғин ҳозирлик кўришяпти. Мусобақа мезбонлари эса Олимпиаданинг юқори савияда, ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтиши чора-тадбирларини кўришяпти. Ўтган ҳафтанинг охирида Американинг Жоржия штатидаги Маунт Вернон шаҳарчасида жойлашган Брютон-Паркер коллежи президенти доктор Линн Холмснинг юртимизга ташриф буюриши ҳам ана шу билан изоҳланади.

— Мен Ўзбекистонга биринчи марта бундан икки йил муқаддам келган эдим, — дейди Линн Холмс. — Ўшанда коллежимиз билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Бухоро давлат университети ўртасида алоқа қилишга асос солинган эди. Бу сафар мен юртингизга шу ўқув юртларининг таклифига биноан келдим. Мақсадимиз Ўзбекистон ва АҚШ Олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликни янада самаралироқ йўлга қўйишдир. Брютон-Паркер коллежида ҳозирча бир ҳамюртингиз таҳсил оляпти. Тез орада бошқа ўзбекистонлик илмутолиблар ҳам улар қаторига қўшилади, деб умид қиламан.

Брютон-Паркер коллежи президентининг Ўзбекистонга ташрифидан мақсади фақат шугина эмас. Маълумки, бу коллеж 1996 йилда жаҳоннинг энг йирик спорт мусобақаси — Олимпиада баҳслари ўтказиладиган Атланта шаҳри яқинида жойлашган. Олимпиада баҳслари бошланмасдан олдин юртимиз спортчиларининг Атланта иқлимига мослашиши ва унга тайёргарлик кўриш жараёнлари учун қайғуришни коллеж ўз зиммасига олган.

— Тошкентга келишимиздан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси миллий олимпиада қўмитаси билан Американинг Брютон-Паркер коллежи ўртасидаги ҳамкорлик дастурини амалга оширишни тезлаштиришдир, — дейди доктор Холмс. — Муддаолар қайдномаси ўтган йилнинг декабрь ойида мамлакатингиз вакилларининг Миллий олимпиада қўмиталари уюшмасининг Атланта шаҳрида ўтган бош ассамблеясига борган пайтида имзоланган эди. Биз Тошкентда яна бир неча ҳужжатни имзоламоқчимиз. Жумладан, биз Олимпиада олдидан Ўзбекистон терма жамоасини қабул қилиш мажбуриятини оламиз. Коллеж базасида спортчиларингиз икки ҳафта давомида Олимпиада олдидан сўнгги тайёргарлик машқларини ўтказишади. Ҳозир бизда Ўзбекистон терма жамоасини қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғарма тузилган.

Шунингдек Линн Холмс Ўзбекистон терма жамоасини қўллаб-қувватлаш махсус жамғармасини тузиш тадбирида Атланта атрофидаги яқин шаҳарлар ҳокимликларининг вакиллари, маҳаллий савдо-саноат доиралари фаол қатнашганлигини қайд этди. У Ўзбекистон ва Брютон-Паркер коллежи ўртасидаги ҳамкорлик дастурини амалга оширишда мамлакатимиздан ҳам мижозлар топишга ҳаракат қилаётганини айтиб, уларнинг ёрдамисиз ишни йўлга қўйиш қийинлигини таъкидлади.

1904 йилда асос солинган, АҚШдаги энг кекса ўқув юртларидан бири бўлган Брютон-Паркер коллежи олиб бораётган ишлар, албатта таҳсинга лойиқ. Ўйлаймизки, бу коллеж маъмурияти саъй- ҳаракатлари билан юртимиз спортчилари 1996 йил Олимпиада олдидан сўнгги тайёргарлик машқларини кўнгилдагидек ўтказиб, сайёрамизнинг энг йирик мусобақасида муносиб қатнашадилар.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТИМИЗ «УЧ ЮЛДУЗ»И ФРАНЦИЯДА ЭЪТИБОР ҚОЗОНДИ

Франциянинг Бордо шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон «юлдуз»ларининг кўргазмали чиқишларидан иборат катта шоу ўтказилди. Французлар унга юртимизнинг энг кучли гимнастикачилари — жаҳон ва Олимпиада чемпиони Оксана Чусовитина, Халқаро миқёсдаги спорт устаси Розалия Галиева, кейинги йилларда Ўзбекистон чемпионлигини бошқаларга бой бермай келаётган Анастасия Дзюнзякни ҳам таклиф қилишди.

«Уч юлдуз»ларимиз майдонга чиқиб, ўзларининг ажойиб дастурларини намойиш этишгач, ушбу шоу қатнашчилари ва меҳмонлари спорт саройи узра номи тез-тез янграётган Ўзбекистон билан қизиқиб қолдилар. Халқаро майдонга дадил кириб келаётган янги, мустақил юртимизнинг ажойиб, маҳоратли спортчилари борлигига амин бўлдилар.

400 ГРАММ ВАЗН ЛЕЙБМАНГА ОҒИРЛИК ҚИЛДИ

Самарқандда оғир атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ниҳоясига етди.

Бош соврин учун кураш асосан 12-Осиё ўйинлари қатнашчилари Игорь Халилов ва Григорий Лейбман ўртасида борди. Ҳар икки спортчи икки уриниш бўйича бир хил — 392,5 килограмм оғирликда тош кўтарди. Лекин Осиё ўйинларининг бронза медали соҳиби Халилов ўз вазни бўйича Лейбмандан 400 грамм енгил бўлгани учун Ўзбекистон кубогининг ғолиби деб топилди.

Шунингдек самарқандликлар А. Бозоров, А. Хўжамов, фарғоналиклар А. Шевяков, Н. Сулаймонов, чирчиқлик С. Камолов, тахиатошликлар Б. Нуруллаев ва Ф. Ўразимбетов, тошкентлик А. Ўрунов ўз вазни тоифалари бўйича Ўзбекистон кубоги соҳиблари бўлишди.

Айниқса, аёллар ўртасидаги баҳслар қизиқарли ўтди. Унда Светлана Варламова, Ирина Головина, Ольга Сатина, Евгения Жутова ўз вазн тоифалари бўйича энг оғир тошларни кўтаришди ва Ўзбекистон кубоги соҳиблари бўлишди.

ҒОЯТ ҚАДРЛИ САККИЗИНЧИ ҒАЛАБА

Ўн икки йилдан буён профессионал теннисчи ҳисобланган ва бу даврда жаҳоннинг «Катта шлем» тоифасига кирувчи 14 та йирик ва нуфузли мусобақасида ғолиб чиққан немис теннис «юлдуз»и Штеффи Графф АҚШ очиқ биринчилигининг финалида Аранта Санчесга ютқазиб қўйди — 6:1, 6:7, 4:6.

Умуман, Графф ва Санчес бир-бирига қарши 31 марта кортга чиққан. Шундан 24 учрашувда Графф, 7 тасида Санчес ғалаба қозонган. Саккизинчи ғалаба Санчес учун ғоят қадрлидир. Чунки, Санчес умрида биринчи марта «Катта шлем» тоифасидаги АҚШ очиқ биринчилигининг ғолиби бўлди ва турнир кубоги ҳамда 550000 долларлик мукофотни қўлга киритди. Ш. Граффга эса 275 минг долларга чек берилди.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Мўминовга отаси **Абдумалик МЎМИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздонмаҳсулот» Давлат-акционерлик корпорация бошқаруви, ижро девони жамоаси, Самарқанд вилояти Дон маҳсулотлари акционерлик уюшмасининг раиси Р. Аҳмедовга онаси **Хуррам она ЙЎЛДОШЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ректорати ва касаба уюшмаси Ўзбек халқ чолғу асбоблари кафедрасининг мудири, профессор Р. Неъматовга онаси **Турсуной НЕЪМАТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти ректорати ва жамоа ташкилотлари драма театри ва кино актёри кафедрасининг мудири, доцент У. Зуфаровга падари бузруквори **Раҳматжон ЗУФАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Тошкентгеология» Давлат геология корхонаси ходимлари корхона бош директори ўринбосари А. Азизхўжаевга волидаи муҳтарамлари **Хадича ХИДОЙХЎЖАЕВАнинг** вафот этганликлари муносабати билан чуқур қайғу изҳор қилади.

«Ўзмашсаноат» ассоциациясининг «Восток» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашманинг собиқ бош директори **Исмоил РАҲМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• *БЎЛИМЛАР:*
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0021 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 1 2 3 4 5 6

Босишга топширилди — 21.00.